# Гендер зўравонликка жавобан психологик хизмат кўрсатишнинг

## СТАНДАРТ ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ



Мазкур стандарт операцион иш тартиблари гендер зўравонликдан жабрланганлар учун ихтисослаштирилган психологик хизматларни тақдим этувчилар учун мўлжалланган

Психологик хизматларни тақдим этувчи давлат, хусусий, жамоат ташкилотлари/муассасаларининг мутахассислари фойдаланишлари мумкин

# Гендер зўравонликка жавобан психологик хизмат кўрсатишнинг

# СТАНДАРТ ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ

Baktria press

Тошкент –2021

УЎК 343.13:159.9(083.74)
КБК 67.408
88
Г 34

Гендер зўравонликка жавобан психологик хизмат кўрсатишнинг стандарт операцион иш тартиблари [Матн]: йўриқнома /тузувчи В. У. Эрметова. — Тошкент: Baktria press, 2021. — 48 б.

Мазкур "Гендер зўравонликка жавобан психологик хизмат кўрсатишнинг стандарт операцион иш тартиблари" Шарқий Европа Репродуктив саломатлик институти (ШЕРСИ), Руминия (Бош координатор: Ионела Хорга) мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган материалларга асосланган ва Ўзбекистон Республикасининг миллий контекстига мослаштирилган.

«Гендер зўравонликка жавобан психологик хизмат кўрсатишнинг стандарт операцион иш тартиблари» Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича Комиссиясининг 2020 йил, 16 июль 4-сонли баёни (17–18-бандлар) билан амалиётга тадбиқ қилиш учун тасдиқланган.

**Ҳужжатнинг адаптацияси бўйича мутахассис:**

Эрметова Венера Уринбаевна — Фуқаролик ташаббусларни қўллаб-қувватлаш маркази ходими, UNFPA/БМТнинг Аҳолишунослик Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси миллий маслаҳатчиси.

Ҳужжат UNFPA/БМТнинг Аҳолишунослик Жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан нашр этилган, 2021 й.

Ушбу нашрда акс эттирилган кўрсатма ва ёндашувлар ҳужжатни адаптацияси бўйича мутахассисларга тегишли ва UNFPA, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг муносабатини акс эттирмаслиги мумкин.

ISBN 978-9943-7109-9-3
© Baktria press, 2021

# МУНДАРИЖА

АТАМАЛАР ЛУҒАТИ . . . . . 4

ҚИСҚАРТМАЛАР . . . . . 7

1. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШНИНГ АСОСЛАРИ . . . . . 8

1.1. Мақсад ва вазифалар . . . . . 8
1.2. Қўлланилиши . . . . . 8
1.3. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг бошқарув принциплари . . . . . 9
1.3.1. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш принциплари . . . . . 9
1.3.2. Гендер зўравонлик жабрланувчилари билан ишлаш принциплари . . . . . 10
1.4. Гендер зўравонликни акс эттириши мумкин бўлган белгилар ва хатти-ҳаракатлар . . . . . 13
1.4.1. Гендер зўравонликни акс эттириши мумкин бўлган белгилар . . . . . 13
1.4.2. Гендер зўравонлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар . . . . . 14
1.4.3. Вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг белгилари . . . . . 15
1.5. Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан қандай муносабатда бўлиш керак . . . . . 18

2. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИГА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ . . . . . 21

2.1. Гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқлаш . . . . . 21
2.2. Гендер зўравонлик ҳодисасини баҳолаш . . . . . 22
2.3. Хизмат тақдим этиш . . . . . 24
2.3.1. Инқирозли маслаҳат . . . . . 24
2.3.2. Узоқ муддатли мажмуавий психологик қўллаб-қувватлаш . . . . . 25
2.3.3. Психологик ёрдам турлари ва шакллари . . . . . 25
2.4. Хавфларни баҳолаш ва бошқариш . . . . . 28
2.5. Ҳужжатлаштириш . . . . . 28
2.6. Бошқа хизмат тақдим этувчиларга қайта йўналтириш . . . . . 30

МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР . . . . . 32

1-илова. Дастлабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли . . . . . 33
2-илова. Гендер зўравонлик мавжудлигини баҳолаш мезонлари . . . . . 41
3-илова. Гендер асосидаги зўравонлик ҳолатида хавфни баҳолаш юзасидан саволлар . . . . . 42
4-илова. Психологик ҳолатни баҳолаш . . . . . 43
5-илова. Шахсий хавфсизлик режаси . . . . . 44
6-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчиларини бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш мумкин бўлган ташкилот ва муассасалар каталоги/маълумотлар базаси . . . . . 46
7-илова. Психологнинг индивидуал маслаҳатини рўйхатга олиш шакли . . . . . 47
8-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчилари билан қисқа муддатли психотерапия ўтказиш учун суҳбат схемаси . . . . . 48

# Атамалар луғати

**Зўравонлик** — шахсга/шахслар гуруҳига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Тазйиқ** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган, хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик.

**Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик** — бу хотин-қизларга жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар етказадиган ёки азобланишига олиб келадиган, шу жумладан, ҳам жамоат ҳам шахсий ҳаётда бундай ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш ёки ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган гендерга асосланган зўравонлик ҳаракати.

**Гендер зўравонлик** — хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг асосда ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишини жиддий чекловчи камситиш шакли (БМТнинг "Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги 19-сонли умумий тавсиялар, 1-банд).

**Гендер зўравонлик/тазйиқдан жабрланувчи** (гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи) — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланлангани, шу жумладан 18 ёшга тўлмаган, аёл жинсидаги шахс.

**Зўравонлик содир этувчи шахс** — бошқа шахсга нисбатан зўравонликни унинг хоҳиш-иродасига қарши бевосита қўллаб-қувватлайдиган ёки зўравонлик содир этадиган инсон, гуруҳ ёхуд ташкилот (IASC, 2005, Гуманитар операцияларда гендер асосидаги зўравонлик бўйича асосий принциплар: Фавқулодда ҳолатларда жинсий зўравонликнинг олдини олиш ва бунга қарши чора кўришга эътибор қаратиш).

**Оиладаги зўравонлик** — бу оила аъзоси бўлган шахс томонидан уйда ёки жамоат жойида содир этилиши мумкин бўлган жисмоний, руҳий, иқтисодий, жинсий зўравонлик ҳаракатларининг барчаси (Европа Кенгаши, Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция, СЕЦ № 210).

**Вояга етмаганларнинг никоҳи** — ўғил болалар ва қиз болалар учун қонун билан чекланган ёшгача расмий ёки норасмий никоҳ. Одатда, бу ҳолатлардан қизлар кўпроқ азият чекади (ЮНИСЕФ, Вояга етмаганларнинг никоҳлари, 2012).

**Иш жойи** — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой.

**Жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли.

**Иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойлари ва бошқа жойларда содир этиладиган зўравонлик шакли бўлиб, хотин-қизларнинг нормал яшаши ва ривожланиши учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланиш ҳуқуқларини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Руҳий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги ҳақида

хавотир, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келадиган ёки руҳий соғлиғига зарар келтирадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик)да ифодаланадиган зўравонлик шакли.

**Жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

**Жинсий шерик** — жинсий ҳаётдаги шериклар, улар ўртасидаги муносабатлар расмий (рўйхатдан ўтказилган ёки фуқаролик никоҳида яшайдиган эр-хотинлар) ёки норасмий (ошиқ-маъшуқлар ёки тасодифий жинсий алоқа) бўлиши мумкин.

**Жинсий шерик томонидан зўравонлик** — бу бутун дунёдаги аёллар бошидан ўтказадиган зўравонликнинг энг кенг тарқалган зўравонлик шакли бўлиб, у ҳозирги вақтдаги ёки собиқ жинсий шериги томонидан аёлларга ва ўсмир қизларга уларнинг розилигисиз қўлланиладиган жинсий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга қатор мажбурлаш ҳаракатларидан иборат.

**Жинсий таҳқирлаш/шилқимлик** — гендер зўравонликка учраган шахс билан қандай муносабатда эканлигидан қатъи назар, ҳар қандай шахс томонидан ҳар қандай ҳолатда, шу жумладан уйдан ташқарида ва иш жойида, бироқ бу жойлар билан чекланмасдан, содир этилган ҳар қандай шаҳвоний ҳаракат, жинсий алоқага киришишга уриниш, номақбул шаҳвоний изоҳлар ёки тегажаклик қилиш (шаҳвоний ўйнашиш) ёхуд одам савдоси ҳаракатлари, ёки бошқача тарздаги мажбурлашни қўллаш билан содир этиладиган шаҳвоний ҳаракатлар; (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2002, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

**Зўрлаш/зўрлашга уриниш** — жисмоний куч ёки бошқа йўллар билан мажбурлаш орқали эркак жинсий олатини, шунингдек тананинг бошқа қисмлари ёки буюм билан ҳатто бироз бўлса ҳам қинга ёки анусга киритиш. Бундай ҳаракатлар жинсий зўрлашга уриниш ҳисобланади (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), 2002 йил, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида бутунжаҳон маърузаси).

**Одам савдоси** — одамларга таҳдид қилиш, куч ишлатиш ёки мажбурлашнинг бошқа шакллари, жумладан, ўғирлаш, фирибгарлик, алдов, ваколатни суиистеъмол қилиш ёки лавозимдан фойдаланиш ёки пора бериш орқали, бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун одамларни ишга олиш, ташиш, топшириш, яшириш ёки эксплуатация қилиш. Эксплуатация, ҳеч бўлмаганда, бошқа шахсларни фоҳишабозлик ёки жинсий эксплуатация қилишнинг бошқа шаклларига мажбурлаш, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки шунга ўхшаш урф-одатлар, эрксизлик ёхуд зўрлик йўли билан одамни ўз ички органларидан маҳрум қилишни ўз ичига олади (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш Конвенцияси томонидан тасдиқланган Одам савдосига қарши курашиш ва ундан огоҳлантириш бўйича Баённома).

**Жинсий эксплуатация** — шаҳвоний мақсадда ҳолатнинг заифлигидан, ҳукмронлик ёки ишончни, бироқ бу билан чекланмасдан бошқа инсонни жинсий эксплуатациясидан пулли, ижтимоий ва сиёсий фойда олишда ҳар қандай суиистеъмол ёки суиистеъмолликка уриниб кўриш. (БМТ Бош котибининг жинсий эксплуатация қилиш ва таҳқирланишдан ҳимоя қилиш бўйича бюллетени (PSEA) (ST/SGB/2003/13).

**Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш** — хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этишга олиб келадиган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

**Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш** — хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи учун пайдо бўлган хавфни бартараф этиш, тезкор чора-тадбирларни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг такроран ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик мақсадидаги иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа тусдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тизими.

**Гендер зўравонлик жабрланувчисига тақдим этиладиган асосий хизматлар** — хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бошдан кечираётган ҳар қандай аёл, қиз ёки боланинг ҳуқуқлари, хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун минимал даражада талаб қилинадиган хизматларнинг асосий тўплами.

Гарчи асосий хизматлар ҳар бир мамлакат ёки турли жойларда бир хил тарзда тақдим этилмаса-да, улар соғлиқни сақлаш, психологик қўллаб-қувватлаш, ижтимоий таъминот ва фаровонлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи каби давлат ташкилотлар мутахассисларнинг хизматлари сингари универсал хизматлар комбинациясини ўз ичига олади.

**Қайта йўналтириш** — гендер зўравонлик жабрланувчисининг ўз иши хусусида индивидуал мутахассис ёки муассаса билан алоқага кириш жараёни ҳамда мутахассислар ёки муассасаларнинг жабрланувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида биргаликда мулоқот қилиш ва биргаликда ишлаш жараёни саналади. Қайта йўналтириш тармоғидаги ҳамкорлар, одатда, турли давлат идоралари, хотин-қизлар ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларни ўз ичига олади (ЮНФПА 2010).

**Қайта йуналтириш тизими** — гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларнинг ҳимоясини таъминлаш ва ёрдам бериш, уларнинг тўлиқ тикланишида ёрдам кўрсатиш ва ҳукуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришда, гендер зўравонликнинг олдини олиш ва зўравонликни содир этган шахснинг таъқиб қилиниши каби умумий мақсадларга эга бўлган, ҳамкорлик тармоғида пухта аниқлаштирилган ва аниқ белгиланган (айрим ҳолларда бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи) қайд этилган мажбуриятлар ва ваколатларга эга бўлган турли объектларни бирлаштирадиган мажмуавий институционал база. Қайта йўналтириш механизмлари самарали ўзаро алоқалар асосида ишлайди ҳамда аниқ ва оддий изчил қадамлардан иборат аниқ белгиланган йўллар ва иш тартибларни ўрнатадилар. (ЮНФПА 2010).

**Гендер зўравонлик ҳодисалари ҳақида ҳисобдорлик** — бир хизматлар тақдим этувчи томонидан бошқа хизматлар тақдим этувчиларга гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчини ошкор этиш; қайта йўналтириш жараёнида гендер зўравонлик ҳодисаси ҳақидаги маълумотнинг бошқа муассаса/ташкилот билан алмашинуви. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи розилик ва алмашинув учун маълумотлар кўламини белгилаб бергандагина озгина истиснолар билан ҳисобдорлик амалга оширилиши мумкин.

**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчилар** — гендер зўравонлик жабрланувчиларга ҳуқуқий хизмат тақдим қилувчи давлат/ҳукумат хизматчиси, прокуратура, ички ишлар органларининг ходими, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи, суд маъмурияти, адвокат, адвокат ёрдамчиси, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларининг ҳуқуқшунослари.

**Тиббий хизмат тақдим этувчилар** — мунтазам равишда тиббий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс. Индивидуал тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт, тиббий-санитар ходими ёки бошқа соғлиқни сақлаш бўйича мутахассис ёки соғлиқни сақлаш масалалари борасида малакага эга бирон-бир ўқитилган шахс бўлиши мумкин. Тиббий хизматлар тақдим этувчи муассасаларга касалхоналар, клиникалар, оилавий шифокорлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, Репродуктив саломатлик маркази, перинатал марказлар, акушерлик ва гинекология, травматология, шошилинч тиббий ёрдам марказлари ва бошқа хизмат кўрсатиш пунктлари киради. Бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатувчилар таркибига тиббиёт ҳамширалари, доялар, оилавий шифокорлар ва бошқа мутахассислар киради. (ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар).

**Психологик хизмат тақдим этувчилар** — амалий психология соҳасида махсус тайёргарлик (ихтисослик) ка эга бўлган ва мунтазам равишда психологик хизматлар тақдим этувчи жисмоний шахс ёки муассаса. Психолог-маслаҳатчи, психотерапевт ёки инқирозли вазиятларда хотин-қизларга ёрдам бериш масалаларида малакага эга бўлган бирон-бир махсус ўқитилган шахс якка тартибдаги психологик хизмат тақдим этувчи бўлиши мумкин.

**Ижтимоий хизмат тақдим этувчилар** — гендер зўравонлик жабрланувчиларнинг (ва уларнинг оиласи) оғир вазиятлардан чиқиб кетиши, маргинализацияси ва ижтимоий четланишларининг олдини олиш мақсадида уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини таъминлайдиган давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти субъектлари, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари.

**Ҳимоя ордери** — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

**Инқироз маркази/гендер зўравонлик жабрланувчилари учун реабилитация маркази** — оғир турмуш шароитида бўлган хотин-қизларга (ва уларнинг фарзандларига), шу жумладан, турли шакллардаги гендер

зўравонликка дучор бўлганлар ёки зўравонлик остига тушиш хавфи юқори бўлган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга мўлжалланган давлат ёки хусусий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари.

**Шелтер/бошпана** — гендер зўравонлик барча кўринишларидан қутулмоқчи бўлган хотин-қизларнинг (уларни фарзандларини) ҳимоялаш мақсадида кўпинча давлат муассасалари ёки жамоатчилик ташкилотлари негизида ташкил этилган вақтинчалик яшаш жойи.

**Кейс-менежмент (ёки ишни бошқариш)** — мажмуавий хизматларни тақдим этишнинг тан олинган усули, бунда гендер зўравонлик жабрланувчиси инқирозли вазиятда муаммолар ечилишига ёрдам бериш мажбуриятига эга бўлган қўллаб-қувватлаш хизматлари диққат марказига жойлаштирилади. Бунда эҳтиёжларни баҳолаш, режалаштириш, хизматларни тақдим этиш ва мувофиқлаштириш, эришилган ижобий ўзгаришларни баҳолаш каби кейс-менежмент босқичларининг изчиллигини сақлаш мажбурий ҳисобланади ва у босқичлар қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари ҳамда гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда олиб борилади.

**Руҳий саломатлик** — бу инсоннинг ўз қобилиятларини намоён эта олиши, оддий ҳаётий қийинчиликларга қарши курашиши, самарали ишлаб, ўзи яшаётган жамиятга ўз ҳиссасини қўша оладиган хотиржамлик ҳолатидир. Ушбу ижобий маънода психологик саломатлик инсон хотиржамлиги ва жамиятнинг самарали фаолиятининг асосидир.

**Посттравматик синдром** (ЖКС, жароҳатдан кейинги стресс ҳолати — ЖКСҲ) — ташқи омиллар натижасида ўта кучли шикастланадиган оғир руҳий касаллик. Руҳий касалликларнинг клиник белгилари зўравонлик ҳаракатлари, марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши, камситилиш, яқин инсонларнинг ҳаёти учун қўрқув натижасида пайдо бўлади.

**Руминация** (Rumination) — (психиатрияда) ёпишқоқ фикрлаш тури бўлиб, унда бошқа барча ақлий фаолият турларини четга суриб ташлайдиган, бир хил мавзу ёки ўй-хаёллар одамнинг миясида айланиб қолади.

**Фобияли хулқ-атвор** — ташқи дунёга нисбатан муносабатларнинг биронта турини танлашда ҳар қандай ҳақиқий (реал) асосли ёки асоссиз қўрқув (фобия) келиб чиқиши билан тавсифланади.

**Аутоагрессия** — бу шахснинг ўзи томонидан ўзига йўналтирилган бузғунчи фаолият/ҳаракат намоёни. Бузғунчилик ҳаракатлар деганда ўз жонига қасд қилиш, ўзига жароҳат етказиш, алкоголизм, гиёҳвандлик, ўз-ўзини айблаш, ўзини ўзи ҳақорат қилиш тушунилади.

**Виктимизация** (лот. victim — қурбон, жабрланувчи) — жиноий тажовузкорлик жабрланувчисига айлантириш жараёни ёки якуний натижаси. Виктимизацияга жиноят содир этилган вақтда бошланадиган жараён сифатида қаралади. Юз берган воқеада “жабрланувчини айблашга” йўл қўйиш мумкин эмас.

**Суд-тиббий далиллар** — ЖССТ таърифига кўра суд-тиббий далиллардан “фақат судда фойдаланиш мақсадида ҳужжатлаштирилган қўшимча ва аногенитал жароҳатлар ҳамда эмоционал ҳолат, шунингдек жабрланувчи шахснинг танаси ёки кийимидан олинган намуна” сифатида фойдаланилади. “Бундай далиллар сўлак, маний, соч толаси, қов супачасида ўсадиган юнг, қон, сийдик, тола, бегона ашё ва тупроқдан иборат бўлади”.

## Қисқартмалар

| | | |
|---|---|---|
| БМТ | – | Бирлашган Миллатлар Ташкилоти |
| ЖКС | – | Жароҳатдан кейинги синдром |
| ГЗ | – | Гендер зўравонлик жабрланувчиси |
| ЖКСҲ | – | Жароҳатдан кейинги стресс ҳолати |
| ЖССТ | – | Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти |
| ИИБ | – | Ички ишлар бўлими |
| СОТ | – | Стандарт операцион иш тартиблари |
| ЮНИСЕФ | – | БМТнинг болалар жамғармаси |
| ЮНФПА | – | БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси |
| CEDAW | – | “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси |
| UNFPA | – | БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси |

# 1. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШНИНГ АСОСЛАРИ

## 1.1. Мақсад ва вазифалар

Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг мувофиқлаштирилган энг муҳим таркибий қисмларидан бири сифатли психологик хизматларни кўрсатиш ҳисобланади. Психологик хизматлар муайян ва ихтисослашган хизмат турларини ўз ичига олган бўлиб, бу хизматлар гендер зўравонликдан жабрланганларга қарор қабул қилиш ва ўз ҳаёти учун масъулиятни ўз зиммасига олиш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан бир қаторда, зўравонликни бошдан кечирган хотин-қизлар билан ишловчи мутахассисларнинг алоҳида тайёргарлигини талаб қилади. Ушбу хизматлар инқирозли ҳолатлар ва ёрдам хизматлари, хавфсиз уй-жой тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш ва психологик ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади.

**Психологик хизмат кўрсатиш бўйича Стандарт операцион иш тартибларининг мақсадлари:** гендер зўравонлик жабрланувчиларига психологик хизмат тақдим этувчиларнинг, мутахассислар деб юритиладиган, ўзаро боғлиқ ва кетма-кетликдаги ҳаракатларининг аниқ ва батафсил тавсифини бериш.

Психологик хизмат кўрсатувчиларнинг гендер зўравонлик ҳолатларига аралашуви (чора кўриши назарда тутилади) учун Стандарт операцион иш тартиблари (давомида СОТ)нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- гендер зўравонлик жабрланувчиларини аниқлашда самарадорликни таъминлашга кўмаклашиш;
- ҳар томонлама ёрдам/хизмат кўрсатишнинг барча босқичларида жабрланувчилар хавфсизлигини таъминлаш ва/ёки мустаҳкамлаш;
- биргаликда (мувофиқлаштирилган) ва сифатли хизматлар кўрсатишни таъминлаш;
- гендер зўравонлик ҳолатлари бўйича ҳужжатлар ва маълумотлар тўплашни мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш;
- гендер зўравонликдан жабрланувчиларга кўрсатиладиган хизматлар/ёрдамларнинг махфийлигини кафолатлаш;
- гендер зўравонлик жабрланувчиларини бошқа хизматлар тақдим этувчиларга самарали равишда қайта йўналтиришга кўмаклашиш;
- психологик хизмат кўрсатувчиларнинг бошқа хизмат турларини кўрсатувчилар билан барқарор алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш.

## 1.2. Қўлланилиши

СОТлар гендер зўравонлик жабрланувчиларига психологик ёрдам кўрсатадиган ҳар қандай хизмат мутахассислари бажариши зарур бўлган фаолият, функция ва мажбуриятларни тартибга солувчи жараёнларни тавсифлаб беради.

Ушбу хизматлар давлатга қарашли ижтимоий ёрдам тармоқлари ёки гендер зўравонлик жабрланувчиларига ёрдам беришга ихтисослашган давлат ва нодавлат-нотижорат хизматлар/психологик хизматлар, қўллаб-қувватлаш марказлари, махсус реабилитация/мослаштириш муассасалари ҳам бўлиши мумкин.

***Гендер зўравонлик жабрланувчилари учун асосий психологик хизматлар турли вазиятларда ва кенг кўламда кўрсатилиши керак:***

- инқирозли вазиятда маълумот бериш;
- инқирозли вазиятда маслаҳат ўтказиш;
- ёрдам тармоқлари: “Ишонч телефони” ва “Телефон орқали туну кун ёрдам хизмати” воситалари;
- психологик маълумотлар билан таъминлаш (гендер зўравонликнинг сабаб ва оқибатлари), шунингдек, гендер зўравонлик вазиятидан чиқиб кетиш йўллари ҳақида;
- юзма-юз ва телефон орқали психологик маслаҳат.

Булардан ташқари, психологик хизмат кўрсатувчилар аҳоли билан психологик таълимга оид, маърифий дастурлар орқали руҳий профилактика ишларини олиб боришлари лозим.

**Психологик хизмат кўрсатишнинг асосий элементлари**
Асосий психологик хизматларнинг тақдим этилиши қуйидаги асосий элементлар билан мустаҳкамланган омилларни қамраб олиши керак:

- ёрдам/хизмат кўрсатишга розилик (жабрланувчини хизматлар турлари ва ушбу хизмат кўрсатиш тамойиллари ҳақида хабардор қилиш ва унинг розилигини олиш);
- махфийлик;
- хизматлардан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги;
- қайта йўналтириш;
- хавфларни баҳолаш ва бошқариш;
- кадрларнинг тегишли тайёргарлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш;
- мониторинг ва баҳолаш;
- тизимни мувофиқлаштириш ва ҳисобдорлик.

Гендер зўравонлик жабрланувчилари учун ихтисослаштирилган хизматлар давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан кўрсатилиши мумкин.

СОТларни янада самарали амалга ошириш учун психологик хизмат кўрсатишда психолог-маслаҳатчиларнинг индивидуал тайёргарлиги қандай бўлишидан қатъи назар, уларни **махсус тайёрлаш талаб этилади**. Улар қуйидаги йўналишлар бўйича қўшимча ўқитилиши лозим:

- гендер зўравонлик жабрланувчиларига маслаҳат беришнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича, чунки улар билан ишлашда эътиборга олиниши зарур бўлган шахсий деформация, психологик ҳимоя механизмлари мавжуд;
- инқирозли вазият, инқирозли вазиятни бошқариш усуллари бўйича маслаҳат ва бошқалар.

Энг маъқули, бу қўшимча ўқитиш гендер зўравонлик ҳодисаларига нисбатан идоралараро муносабат, психологик хизмат таъминотчиларининг гендер зўравонлик ҳодисасига аниқ ифодаланган жавоби, шунингдек, гендер зўравонлик ҳодисаси тўғрисидаги маълумотлар ва унинг олдини олиш масалаларини ўз ичига олган кенг қамровли ўқув дастури/ўқув режасининг бир қисми бўлиши мақсадга мувофиқдир.

***СОТ психологик хизмат кўрсатувчиларнинг психодиагностика, психокоррекция, психотерапия ёки бошқа ёрдам турига оид юзма-юз маслаҳат кўринишидаги аниқ мажбуриятлари тавсифини ўз ичига олмайди.***

## 1.3. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтаришнинг бошқарув принциплари

### 1.3.1. Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш принциплари

**Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш.** Гендер зўравонликка жавоб қайтариш гендер зўравонлик жабрланувчиларига асосий хизматлар кўрсатувчи барча давлат ва нодавлат идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг иштирокини ўз ичига олади.

**Жабрланувчининг эҳтиёжларига қаратилган ёндашув.** Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган барча хизмат кўрсатувчилар учун гендер зўравонлик жабрланувчиларининг ҳуқуқлари, эҳтиёжлари ва истаклари устувор аҳамият касб этиши керак.

**Ҳамкорлик.** Гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш жараёнига жалб қилинган ташкилотлар/муассасалар ўртасида ўзаро самарали ҳамкорлик ва мувофиқлашув ўрнатилишини назарда тутади.

**Жамоавий бошқарув.** Идоралараро аралашув ва қайта йўналтириш, ҳаракатлар стратегияси ва режалари, шу жумладан, дастурларни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга тегишли бўлган қоидалар жамоавий иштирок этиш асосида, хусусан, бенефициар (фойда олувчи) лар иштирокида (қўлланилиши мумкин бўлган ҳолларда) амалга оширилиши керак.

**Стратегик режалаштириш.** Жамиятдаги гендер зўравонлик ҳодисаси билан курашишга қаратилган сиёсат ва дастурлар ҳар бир иштирок этувчи ташкилотнинг функционал жавобгарлигини кўрсатувчи аниқ мақсадлар ва ҳаракатлар билан умумий идоралараро стратегиялар тоифасига ўтказилиши керак.

**Хизматларнинг мажмуалилиги.** Аралашув ва қайта йўналтириш тартиб-тамойиллари, шунингдек, ҳимоя чоралари ягона услубга асосланган соҳалараро ёндашувни талаб этади.

**Олдини олиш.** Самарадор кенг қамровли гендер зўравонликка идоралараро жавоб қайтариш ёндашуви устувор аҳамият сифатида зўравонликнинг олдини олиш ва профилактикасини ҳам ўз ичига олади.

**Ҳисобдорлик.** Хизматларни кўрсатувчи барча ташкилотлар ва улар томонидан амалга оширилган тадбирлар ўзаро келишилган дастурлар ва қоидаларни амалга ошириш ва бажариш ҳамда ўз фаолиятида устувор принципларга риоя қилиш мақсадида умумий маълумот базаси учун ҳисобдорликни таъминлайди.

**Барқарорлик.** Гендер зўравонликка жавобан идоралараро кенгашиб ҳаракат қилаётган муассасалар/ташкилотлар, сиёсий ўзгаришларга, кадрлар алмашинуви ва кадрлар қизиқиши етишмаслигидан қатъи назар, барқарорлик ёндашувни амалга ошириш ва таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратишлари керак.

### 1.3.2. Гендер зўравонлик жабрланувчилари билан ишлаш принциплари

**Жабрланувчиларни ҳимоя қилиш**
Зўравонликка қарши курашиш аниқ позицияга эга бўлиши ҳамда хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шаклларини қоралашни англатиши керак. (“***Зўравонликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди”***).

- Зўравонлик ҳаракатларига нисбатан бетараф бўлишга интилиш бу иллатга бағрикенглик хавфини англатади.
- Зўравонлик учун фақат тажовузкор/таъқиб қилувчи ((зўравон), яъни зўравонликни содир этган шахс) жавобгар бўлади. Зўравонликнинг ҳар қандай шаклига нисбатан аниқ позицияда бўлиш зўравонлик хатти-ҳаракатини қоралашни англатади (лекин зўравонни шахс сифатида айблаш ва қораламаслик керак).
- Ёрдам сўраган жабрланувчидан у дуч келган зўравонликни исботлашни ҳеч қачон талаб қилмаслик керак.
- Жабрланувчини диққат билан эшитиш, унга ишониш ва унга озор етказмасдан ва баҳо бермасдан, ҳурмат билан жавоб бериш жуда муҳимдир.

Зўравонлик жабрланувчилари узоқ муддатли қўллаб-қувватлаш ва ҳимояга, барча процедуралар ва мувофиқлаштириш ишларини олиб бориш жараёнларида хизмат кўрсатувчиларнинг ёрдамларига муҳтождирлар.

Реабилитация марказлари ва бошқа бир қатор аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу зарур ёрдамларни тақдим этадилар ва ушбу стандарт процедура ҳар бир жабрланувчини ҳимоя қилишда қўллаб-қувватловчи ёрдам бўлиши керак.

**Гендер хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ёндашув**
Хизмат кўрсатишда хотин-қизларга нисабатан зўравонликнинг гендер динамикаси, таъсири ва оқибатларини тан оладиган ёндашувни намойиш этиш керак.

**Хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи аёллар ва ихтисослаштирилган хизматлар**
Ушбу соҳада эксперт ҳисобланган аёл мутахассисларнинг қўллаб-қувватланиши ва ёрдамини таъминланг. Хотин-қизлар учун ўз жинсига мансуб бўлган шахслар томонидан тақдим этиладиган хизматлар зўравонлик

жабрланувчиларининг мустақил ҳаётда фаол равишда ўзларининг кучли томонларини синаб кўришларига имкон берувчи моделни таклиф қилади.

Бу вақтинча бошпана, аёлларни реабилитиация қилиш ва мослаштириш марказлари, уларнинг телефон ёрдами (“Ишонч телефони” ва “Телефон орқали туну кун ёрдам хизмати”) тармоқлари тизимида ўз аксини топиши лозим. Бу ўринда аёллар нафақат қуйи даражаларда ишлайдилар, балки ташкилотни бошқарадилар ҳам.

**Турфа хилликка нисбатан бағрикенглик**

- Гендер зўравонлик жабрланувчиларига кўрсатиладиган хизматлар ёши, миллати, эътиқоди, ногиронлиги, этник келиб чиқиши ва бошқа шу каби хусусиятларга қараб камситиш характерига эга бўлмаслиги керак.
- Тақдим этиладиган хизматлар жабрланувчилар учун ҳар томонлама очиқ ва аёлларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олиши зарур.

Психологик хизматлар хотин-қизларнинг муайян гуруҳлари, шу жумладан, ҳимояга муҳтож гуруҳларга (ўзи ёхуд фарзанди ногирон, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки синов муддати берилган ва бошқа махсус хизматларга муҳтож) хотин-қизларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиши керак.

Психологик хизматларни кўрсатувчилар истеъмолчиларнинг турфа хиллигини ва уларнинг камситилмаслигини ҳурмат қилишлари лозим. Бу шуни англатадики, гендер зўравонлик жабрланувчиси бўлган барча хотин-қизлар психологик хизматлардан тенг равишда фойдалана оладилар, тўлиқ ва ягона сифат стандарти даражасида ёрдам оладилар.

**Гендер зўравонлик жабрланувчиларига йўналтирилган ёндашув**

Гендер зўравонлик билан боғлиқ ҳодисаларга муносабат билдириш (жавоб қайтариш)да энг мақбул ёндашув — бу жабрланувчининг хоҳиш-истаклари, ҳуқуқ-манфаатлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда унинг эҳтиёжларини аниқлаш, вазиятни тушунтириш ҳамда ушбу вазиятдан чиқиш йўлларини танлашга кўмаклашувчи ҳурмат-эътиборга асосланган шароитни яратиб беришдир.

Психологик хизматлар кўрсатувчи муассасалар қарор қабул қилишда гендер зўравонлик жабрланувчиларини қўллаб-қувватлашлари (далда берувчи ва рағбатлантирувчи) керак.

**Қўриқлаш ва хавфсизлик**

Гендер зўравонлик жабрланувчиларига ёрдамни ташкиллаштириш ва таъминлаш жараёнларида жабрланувчи ва психологик хизматлар кўрсатувчиларнинг ҳар иккаласининг ҳам хавфсизлиги устувор аҳамиятга эга бўлиши зарур.

Гендер зўравонлик жабрланувчисининг хавфсизлигини баҳолаш хотин-қизлар гендер зўравонликка учрагани ҳақида хабар қилганида ва бевосита уларнинг шахсига ойдинлик киритиш вақтида амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, гендер зўравонлик жабрланувчиси ва маслаҳатчининг шахсий хавфсизлигини баҳолаш ҳар бир маслаҳатнинг ажралмас бир қисми бўлиши даркор.

Гендер зўравонлик жабрланувчисига маслаҳат беришнинг дастлабки босқичида жабрланувчи, маслаҳатчи ёки унинг ҳамкасбларига мумкин қадар зарар етказмасдан амалга оширилишини таъминлаш учун эҳтимолий таҳдидларни (зўравонликни содир этган шахс томонидан қилинадиган тажовузкорона хатти-ҳаракатлар) кўриб чиқиш зарур.

**Махфийлик ва анонимлик**

Махфийликка қатъий риоя қилиш гендер зўравонлик жабрланувчиларининг ҳам, психологик хизмат кўрсатувчиларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим устувор чораси ҳисобланади.

<u>Жабрланувчининг махфийлиги доимо сақланиши керак.</u>

Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фақат зарур бўлган ҳоллардагина ёки жабрланувчининг илтимосига биноан ва **фақат унинг розилиги билан** керакли маълумотларни алмашиш;
- *ҳеч қандай маълумот жабрланувчининг розилигисиз бирор ташкилот ёхуд бошқа мутахассисларга берилмаслиги керак. Жабрланувчи ёки унинг фарзандлари ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган (масалан, ўз жонига қасд қилишга уриниш, зўравонлик содир этган шахс томонидан таҳдид) ҳолатлар бундан мустасно.*

Шунингдек, жабрланувчи аёл аноним равишда маслаҳат ва ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Маслаҳат бериш ва маълумотларни тўплаш, рўйхатга олиш, ҳисобот бериш ва ахборот алмашиш вақтида махфийликни таъминлаш, гендер зўравонлик жабрланувчиси ва хизматларни тақдим этувчилар тўғрисидаги маълумотларни ошкор бўлиш хавфини камайтиради.

Махфийлик ва анонимликни сақлаш, ўз навбатида, жабрланувчининг ёрдам сўраб мурожаат қилиши натижасида юзага келадиган такрорий тазйиқ/зўравонликка дуч келмаслигини таъминлаш баробарида, психологик хизматлар тақдим этувчиларни ҳам зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахслар таҳдидидан ҳимоялайди.

***Маслаҳатчи психолог мутахассислигидаги шахсларнинг махфий маълумотларни алмашуви қуйидагиларни англатади:***

- баъзи бир маълумотлар фақат “зарурат” тамойили асосида  психологик хизмат соҳасидаги бошқа ҳамкасбларга тақдим этилиши мумкин;
- агар жиддий сабаб (масалан, тиббий) бўлса, маълумотларни ҳамкасбларга ошкор қилиш мумкин ва бунда психологик хизматлар тақдим этувчи жабрланувчини бошқа психологик хизмат кўрсатувчи ташкилот/муассаса ёки тегишли мутахассисга ўтказади;
- бу вазиятни жабрланувчига, албатта, олдиндан тушунтириш лозим ва у ўзи ҳақидаги қандай маълумот кимга, нима мақсадда берилишини билиши зарур. Бунинг учун жабрланувчи ёки унинг васийси (айниқса, у бола бўлса)нинг розилиги олиниши шарт.

Агар махфийлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ҳисобот бериш тўғрисидаги қарор билан чекланган бўлса, жабрланувчи бу ҳақида дарҳол хабардор қилиниши керак.

**Онгли (хабардорликка асосланган) танлов**

Ҳар қандай хатти-ҳаракат фақат жабрланувчининг рухсати билан амалга оширилиши керак, яъни кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида тўлиқ маълумот, шунингдек, ушбу хизмат кўрсатиш тамойиллари ва шартлари ҳақида жабрланувчи хабардор қилинганидан сўнг бу жараёнлар унинг онгли равишдаги розилиги билан амалга оширилади.

**Камситилишга йўл қўйилмаслиги**

Миллати, ирқи, дини, жинси, ёши, маълумоти, этник келиб чиқиши, яшаш жойи, ногиронлиги, оилавий аҳволи, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, ГАЗнинг барча жабрланувчилари тенгдирлар ҳамда психологик хизматлар ва уларга нисбатан муомаладан бир хилда фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

**Бепул хизматлар**

Гендер зўравонлик жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш хизматлари бепул тақдим этилади.

**Ҳуқуқ ва имкониятларнинг кенгайиши**

Ҳар қандай қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсади заифликни енгиш ва хотин-қизларга мустақил ҳаёт кечиришлари учун шароит яратадиган ҳуқуқ ва имкониятларни беришдан иборат бўлиши керак. Жабрланувчи шахсга нисбатан “касал” ёки “муаммоли” деган муносабатда бўлиш керак эмас, чунки бу унинг позициясини янада сусайтиришга хизмат қилади. Аксинча, унга ўзининг кучли позицияси мавжудлигини англашда яқиндан ёрдам бериш орқали жабрланувчининг унга нисбатан зўравонликни содир этган

шахс қандай қилиб унинг устидан ҳукмронликни қўлга киритганини тушунтириш мақсадга мувофиқдир. Зўравонлик механизмларини яхши тушуниш ва тафаккур қила олиш хотин-қизларга унга қарши самарали кураш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Кўрсатиладиган хизматлар ҳар томонлама қулай, осон ва кенг оммага маълум бўлиши зарур. Жамиятнинг вазифаси гендер зўравонлик жабрланувчиларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишдан иборат.

**Ҳисоботдорлик**
Гендер зўравонлик жабрланувчиларига хизматлар тақдим этувчи ташкилот ва муассасалар ёрдам олувчилар ва умуман, жамият олдида жавобгардирлар.

***Бундай ташкилот/муассасалар ва улар раҳбариятининг фаолияти аниқ ва ошкора бўлиши лозим. Айнан ушбу хизматларни оладиган хотин-қизларнинг уларни баҳолашда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиши жуда муҳим омил ҳисобланади.***

Улар нафақат жавоб қайтариш объекти сифатида, балки манфаатдор томонларнинг хизматлар сифати ҳақидаги фикрлари сифатида ҳам ташкилот/муассасалар учун алоҳида аҳамиятга эга.

Бу жараёнда хотин-қизларнинг иштироки ва жалб этилиши, айниқса, аёллар ва болалар маълум муддат вақтинча яшайдиган бошпаналар ва бошқа хизматлар учун жуда муҳимдир.

Вақтинчалик яшаш жойи (масалан, реабилитация маркази) аёллар ҳаёти учун бошқарув ва назорат объекти бўлиб қоладиган муассасага айланиб қолмаслиги керак, аксинча, уларни бу жойларда мустақил қарорлар қабул қилиш жараёнига тортишга ҳаракат қилиш лозим.

Бошқарувни эҳтиёткорлик билан ишлатиш керак. Қоидалар албатта зарур, аммо улар, асосан, кўрсатмалардан иборат бўлиши ва вақтинча истиқомат қилаётган хотин-қизларнинг шахсий эркинликларига ортиқча чекловларни қўймаслиги керак.

## 1.4. Гендер зўравонликни акс эттириши мумкин бўлган белгилар ва хатти-ҳаракатлар

Гендер зўравонликнинг психологик оқибатлари аксарият ҳолларда мураккаб тўпламдир, травматик (жароҳатли) таъсири ўткир бўлиши мумкин, аммо зўравонликнинг қайтарилиши ва мунтазамлик табиати туфайли унинг оқибатлари сурункали ва чуқурлашган бўлади, ҳатто баъзи ҳолларда фожиали оқибатлар ёки жиддий психопатологияга ҳам олиб келиши мумкин.

### 1.4.1. Гендер зўравонликни акс эттириши мумкин бўлган белгилар

Гендер зўравонликда жабрланувчиларнинг энг кенг тарқалган психологик ва психосоматик оқибатлари бўлган белгилар:

- айбдорлик ҳисси, уят, ғазаб, қайғу, умидсизлик, чорасизлик, бўшлиқ, ҳолсизлик, бўғилиш ҳисси;
- доимий хавф ҳисси (жабрланувчи доим ҳушёр бўлиб туради);
- ҳамма нарсадан қўрқиш;
- ўзи ва ўзгаларга ғамхўрлик қила олмаслик;
- диққатни жамлашдаги қийинчиликлар;
- ёлғизлик (бегоналашув);
- режалар тузиш қобилиятини йўқотиш;
- ташаббуснинг йўқлиги, ёлғиз яшашдан қўрқиш, ҳаётга нисбатан маъно ва қизиқишни йўқотиш;
- ўзига нисбатан ишончсизлик;
- ташвишларга тўла ҳаяжон, асабийлик;

- тахикардия;
- ошқозон-ичак касалликлари;
- уйқунинг бузилиши;
- овқатланишнинг бузилиши;
- бош оғриқлари;
- мушаклардаги оғриқ;
- рўй берган ҳодиса бўйича бир-бирини инкор этувчи фикрлар билдириш;
- ўз жонига қасд қилиш кайфияти.

**Жинсий зўравонлик ҳодисаларида кўпроқ учрайдиган махсус психологик оқибатлар:**

- руминация (глоссарийга қаранг);
- мияга ўрнашиб олган туйғулар (жароҳатлари тўғрисидаги хотиралар тўсатдан ёдига тушади ва ғалаён кўтаради);
- жисмоний реакциялар (травма ёки зўравонлик ҳодисалари ёдига тушганда титроқ тутиши ёхуд ҳушдан кетиш);
- нохуш воқеани эслаб қолиш учун уни хотирада мажбурий равишда айлантиравериш;
- алоғ-чалоғ тушлар кўриш, босинқираш.

### 1.4.2. Гендер зўравонлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар

- одамлар, жойлар, фаолиятлар, хатти-ҳаракатлар ва зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахсни ёқтирмайдиган ҳаётий позициялардан (зўравонликнинг кучайишига қарши ҳимоя сифатида) ўзини яккалаб қўйиш;
- иш жойини тез-тез алмаштириб туриш;
- бўш вақтларда ижтимоий фаолият ва фаолликнинг пасайиши;
- гендер асосидаги зўравонлик жабрланувчиларини эслатиш, зўравонлик ҳолатлари ёки уларни аниқлаш мумкин бўлган одамлар, жойлар ёки вазиятлардан қочиш;
- ўзи ва вояга етмаган фарзандларини ҳимоя қилиш қобилиятини йўқотиш;
- журъатсизлик;
- воқеа кўлами ва унинг оқибатларини инкор этиш ҳамда камайтириш;
- ўз жонига қасд қилишга уриниш (аутоагрессия);
- қасддан ўзига ва фарзандларига тан жароҳати етказиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш.

**Психологик зўравонликнинг белгилари**

Ўткир травматик (шокка солувчи, жароҳатловчи) реакциялар:

- аломатлар қисқа вақт давомида пайдо бўлади;
- аломатлар зўравонлик пайтида ёки ундан кейин пайдо бўлади;
- реакция 1–3 кун ичида юзага келиш мумкин;
- реакция 2 кундан 4–6 ҳафтагача давом этади;
- нормал мослашувчан реакция саналади;
- посттравматик синдромга ўхшаш.

**Сурункали психологик зўравонлик ҳолатларида кузатиладиган хулқ/аломатлар**

- қўзғалиш (восита ташвиши: чайқалиб юрмоқ, тинч ўтира олмаслик, қўлларни силкитиш, пиқиллаб йиғлаш, гавданинг вазияти ва хулқ-атвор душманликни ифодалайди);
- конверсия (ўзгариш) реакцияси (овознинг йўқолиши, қусиш, оғриқ ва оғриқли ҳис-туйғу, томоқ тиқилиши, бош айланиши);
- сукунат, лоқайдлик ва эътиборсизлик ёки донг қотиш (ҳаракатсизлик, атроф-муҳитга нисбатан бефарқ муносабат);
- иррационал хулқ-атвор (масалан, жабрланувчининг доим тиржайиб туриши).

**Эмоционал/когнитив тажриба**

- нотинчлик, қўрқув, чалкаш онг;
- қўрққанидан гапиролмай қолиш;
- умидсизлик, ишонмаслик («бундай бўлиши мумкин эмас»);
- хотиранинг панд бериши;
- ақлий/функционал мувозанатнинг бузилиши;
- вақтни идрок этолмаслик;
- ҳиссиётларнинг йўқолиши (қаттиқ қўрқув);
- сиқилиш, арзимаслик ҳисси;
- айбдорлик ҳисси, уят;
- диссоциация (деперсонализация, дезориентация, ўзидан итариш ҳисси, галлюцинация);
- амнезия.

### 1.4.3. Вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг белгилари

Ота-оналар ёки қонуний вакиллар хулқ-атворининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг вояга етмаганларга нисбатан муносабатларида зўравонлик мавжудлигини тахмин қилиш мумкин:

- болада юз берган шикастланиш сабаблари бўйича зиддиятли ва чалкаш тушунтиришлар ва аслида нима бўлганини аниқлаштириш истагини билдиради;
- боланинг шикастланишида унинг ўзини айблаш;
- тиббий ёрдам сўраб кечикиб мурожаат қилиш ёки мурожаат қилмаслик ёхуд ёрдам сўраш ташаббусининг бегона шахс томонидан келиб чиқиши;
- бепарволик, бола билан муносабатда эмоционал (ҳиссий) қўллаб-қувватлаш ва меҳрнинг йўқлиги;
- боланинг тақдири ҳақида қайғурмаслик;
- тажовузкорликка нисбатан ўқитувчиларга, психологларга қарши номақбул муносабат;
- боладаги жароҳатлар ҳақида эмас, балки ўзининг муаммолари ҳақида кўпроқ гапириш;
- шикастланиш даражасига етарли эътибор бермаслик, уни бўрттириб ёки камайтириб кўрсатиш;
- болалигида ўзини қандай жазолангани ҳақидаги гапириш;
- хулқ-атвордаги руҳий носоғломлик белгилари ёки патологик белгиларнинг намоён бўлиши (тажовузкорлик, ғазабланиш, қобилиятсизлик ва бошқалар).

***Болага нисбатан жисмоний зўравонликка, агар унинг хатти-ҳаракатларида қуйидаги аломатлар мавжуд бўлса, шубҳа қилиш мумкин:***

***Бошланғич мактаб ёши***

- оғриқларга нисбатан пассив реакциянинг йўқлиги;
- эътирозларга, тергашга аламли муносабат;
- мослашувчан хулқ-атвор, ҳаддан ташқари мувофиқлик;
- катталарга тақлидан сохта хулқ белгилари (катталарнинг ташқи хулқидан андоза олиш);
- бепарволик, тажовузкорлик;
- ёлғончилик, ўғрилик;
- тенгдошлар ва ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик;
- ўт қўйишга мойиллик;
- шикастланиш ва шикастланиш сабабини яшириш истаги;
- ёлғизлик, дўстлар ва қиз дўстларнинг етишмаслиги;
- мактабдан кейин уйга қайтишдан қўрқиш.

***Ўсмирлик ёши***

- уйдан қочиб кетишлар;
- суицидга (ўз жонига қасд қилишга) уринишлар;
- делинквент (криминал ёки жамиятга қарши) хулқ;
- спиртли ичимликлар, наркотик ва токсик моддалар истеъмол қилиш.

**Вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик белгилари**

Вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик белгилари бир нечта шаклларни ўз ичига олади:

- ғайриахлоқий ҳаракатлар. 14 ёшгача бўлган болада қўзғалишга олиб келадиган ва жинсий муносабатларга номувофиқ муносабатни шакллантирадиган катталар томонидан қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар. Ҳаракатлар жисмоний (танавий) ёки интеллектуал (материалларни намойиш қилиш) бўлиши мумкин;
- педофиллик — 14 ёшгача бўлган болага нисбатан жинсий зўравонлик;
- порнография — жинсий алоқаларни намойиш қилишнинг ҳар қандай шакли (китоблар, фильмлар, журналлар). Жинсий фаолиятга мажбурлаш. Болага жисмоний эмас, балки ақлий таъсир (босим) ўтказиш, уни аста-секин ҳар қандай жинсий алоқага киришга мажбур қилади.

Болага нисбатан жинсий зўравонликнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш ва ажратиб кўрсатиш зўравонлик фактини тан олиш ва жабрланувчига ўз вақтида ёрдам кўрсатишда катта аҳамиятга эга. Болада содир этилган зўравонлик ҳақида тўғридан-тўғри гапира олмайдиган кўплаб сабаблар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, зўравонлик факти она ёки бола билан ишлайдиган мутахассисларнинг тахмин ва шубҳаларидан келиб чиқадиган бир қатор белгилар билан тасдиқланади. Ҳар бир бола учун зўравонликнинг оқибатлари, албатта, унинг индивидуал хусусиятларига қараб белгиланади. Шу билан бирга, баъзи бир кенг тарқалган умумий қоидабузарликларни ҳам ҳисобга олиш керак.

Жумладан, болаларда ташвишланиш, тунги безовталик, ваҳимага тушиш, турли қўрқувлар, хатти-ҳаракатлардан қочиш билан бир қаторда, қуйидаги аломатлар бўлиши мумкин.

*Жинсий зўравонликнинг жисмоний белгилари*

Орал (оғиздаги) аломатлар: экзема; дерматит; юзда, лабларда, оғиз бўшлиғидаги герпес (вирусли касалликлар); томоқ инфекциялари; бундан ташқари, овқатдан бош тортиш (анорексия), меъёрдан ортиқ овқатланиш (булимия).

***Болада жинсий зўравонликнинг жисмоний белгилари***

- оғриқ туфайли ўтириш ёки юришда қийналиш;
- йиртилган, доғ теккан ёки қонга бўялган ички кийим, кийим-кечак;
- жинсий аъзолардаги кўкаришлар ва/ёки жинсий аъзодан қон кетиши;
- жинсий аъзолар атрофидаги оғриқ ва қичишишлардан шикоят;
- кўкрак қафасининг юмшоқ тўқималарига шикаст етказиш, думба, оёқ, қориннинг пастки қисмидаги тирналишлар;
- сийдик тута олмаслик.

Изоҳ: жинсий зўравонликнинг баъзи турлари (шаҳвоний эркалашлар, оғизга жинсий алоқа, мастурбация, порнографик фотоларни тайёрлаш) "тиббий" из қолдирмайди.

**Боланинг шаҳвонийлигини ифодалашдаги ўзгаришлар**

- боланинг жинсий алоқага оид ғалати, ғайриоддий ёки ёшига нисбатан кўп билими;
- боланинг жинсий ўйинларга бўлган фавқулодда қизиқиши;
- бошқа болаларга нисбатан жинсий хатти-ҳаракатлар;
- тенгдошлари ва айниқса катталарга нисбатан жозибали хатти-ҳаракатлар;
- ғайриоддий жинсий фаоллик.

**Ҳиссий ҳолат ва мулоқотдаги ўзгаришлар**

- тенгдошлар билан муносабатлардаги қийинчиликлар;
- тўсатдан яккаланиб олиш (одамовилик), тушкунлик, ўзлигидан чекиниш;
- тез-тез ўйга чўмиш (паришонлик), ажралиб олиш;
- доимий депрессия, қайғули кайфият;

- ҳаракатли, оммавий ўйинларда қатнашишни хоҳламаслик;
- илгари унга хос бўлмаган одобсиз иборалар;
- жанжал ва низоларга ҳаддан ташқари мойиллик;
- ёш болалар ва тенгдошларини қўрқитиш;
- ҳаддан ташқари мувофиқлик, миясидаги фикрларга қарамлик;
- учинчи шахсларнинг ҳикоялари: "Мен бир қизни биламан...";
- ўсмирларда ҳожатхона кўникмаларининг йўқолиши — ташқи кўринишига бефарқлик, ўзини ўзи ёмон парвариш қилиш (ювиниб-тараниш) ёки аксинча баданини силаб-сийпалаб ювиш.

**Ижтимоий белгилар — боланинг шахсияти ва мотивациясидаги ўзгаришлар**

- ўқув машғулотлари, дарсларга қатнашмаслик;
- ишларга улгуришдаги кутилмаган ўзгаришлар;
- маълум бир муайян шахс ёки жойга нисбатан кутилмаган, кескин ўзгаришлар;
- оилада ота-онанинг ролини ўз зиммасига олиш;
- ўзини ҳимоя қила олмаслик, ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қаршилик қилмаслик, ўзини таҳқирлаш ва масхаралаш.

**Боланинг ўзлигини англашини ўзгартириш**

- ўзига бўлган ишончнинг пасайиши;
- ўзидан жирканиш, уялиш, нафрат ҳисси, ўзини айблаш, ишончсизлик;
- ўзини ҳалокатга етакловчи хулқ;
- ўз жонига қасд қилиш ҳақидаги хаёллар ва сўзлашлар ҳамда суицидга уринишлар.

**Психосоматик ва невротик аломатларнинг пайдо бўлиши**

- маълум бир шахснинг ёнида турганда безовталик;
- маълум бир шахс/ёки бошқа шахслар билан уйда ёлғиз қолиш қўрқуви;
- тегинишга қаршилик;
- ечиниш қўрқуви;
- бош оғриғи, ошқозон ва юракдаги оғриқлар;
- ёпишқоқ олган қўрқувлар;
- бошқа болалар йиғисидан безовталаниш;
- асабий титроқ, қўлларни силкитмоқ, бармоқни сўриш;
- уйқунинг бузилиши.

Ўсмирларда жинсий тажовузларга нисбатан кўпроқ оғриқли ва турли хил реакциялар мавжуд. Улар билан содир этилган ҳаракатларнинг жинсий хусусиятларини тушуниб, ўсмирлар жинсий зўравонликка кўпинча шахсиятларидаги чуқур ўзгаришлар — турмуш тарзи, тенгдошлари ва катталар билан мулоқотнинг ўзгариши билан жавоб беришади. Ўсмир учун зўравонлик ҳолати тузатиб бўлмайдиган фалокат, келгуси ҳаётининг барбод бўлиши каби кўриниши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, баъзи болаларда зўравонликдан сўнги аломатлар дарҳол намоён бўлмайди ва кечиктирилган реакциялар кутилади.

Жинсий зўравонликнинг энг оғир шакли, унинг яқин қариндоши томонидан болага нисбатан тажовуз қилиниши, яъни инцестдир. Бу ҳолатда узоқ вақт давом этган зўравонлик натижасида болада алтруистик шахсий хусусиятлар (одамларга нисбатан бағрикенглик, ҳамдардлик, эмпатия) бузилади ёки у тушкун кайфиятга берилади (бу тажовузкор хатти-ҳаракатларга олиб келади) ёки унда битта сабабга ёки бир кишига бўйсуниш ва унга фидокорона хизмат қилиш истаги ҳаддан ташқари кучаяди.

Кўпгина ҳолларда, бола онасига давом этаётган зўравонлик ҳақида айтиб беришга ҳаракат қилади. Бироқ баъзи оилаларда қизнинг шикоятларига жавобан она ўзининг бефарқлигини, ғазабга йўғрилган ишонч-

сизлигини ва нафратини намоён қилган ҳолда муносабатда бўлади. Бола онасидан ёрдам олишга ҳаракат қилганида, баъзи ҳолларда у ўзини тутишда ҳаддан ташқари эҳтиёткорлик қилади, бошқаларида она боласини "ёлғон гапиргани учун" жисмоний жазолайди.

Деярли барча ҳолатларда вазиятни нотўғри баҳолаш мумкин, унинг ортида тажовузкор тарафдан қўрқиш ёки молиявий ёрдамни йўқотишдан қўрқиш (оилада болани жинсий зўрлашнинг ҳақиқий манзарасини очиб беришда молиявий ёки бошқа моддий манбаларни йўқотишни истамаслик) турибди.

**Аломатлар қуйидагича бўлиши мумкин**
- ўз танасидан нафратланиш;
- катталарга нисбатан ҳаддан ташқари итоаткорлик;
- ўз жонига қасд қилишга тез-тез уриниш ёки фикрлаш билан чуқур тушкунликка тушиш;
- уйга боришни хоҳламаслик, уйдан қочиш;
- ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, мактабга бормаслик;
- гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;
- тартибсиз жинсий алоқада бўлиш;
- тери-таносил касалликлари;
- ҳомиладорлик ва бошқалар.

## 1.5. Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан қандай муносабатда бўлиш керак

Аввало, гендер зўравонлик жабрланувчисига содир бўлган ҳодиса ҳақида эркин сўзлаб бериши учун имконият яратиш керак.

Гендер зўравонлик ҳақида саволлар бериш ҳар қандай психологик хизмат кўрсатувчи учун мушкул вазифа бўлиши мумкин. Қуйидаги тавсиялар хизмат кўрсатувчига гендер зўравонлик ҳақида саволлар беришда ишончни оширишга, такрорий хатти-ҳаракатлардан қочишга ёрдам беради:
- жабрланувчи учун холи ва махфий эшитиш муҳитини яратинг, уни диққат билан тинглаш асносида унга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилинг;
- зўравонлик ҳақида суриштиришда ташаббусни ўз қўлингизга олинг, жабрланувчининг ўзи ҳамма нарсани айтиб беришини кутманг. Бу сизнинг вазият учун профессионал масъулиятни ўз зиммангизга олганингизни кўрсатади ҳамда ишончли муносабатларни ўрнатишга ёрдам беради;
- оила аъзолари даврасида, дўстлар ёки фарзандлар ёнида унга гендер зўравонлик ҳақида саволлар беришдан сақланинг;
- гендер зўравонлик жабрланувчиси билан сабр-тоқатли бўлинг, инқироз шароитида у зиддиятли ҳис-туйғуларга эга бўлиши мумкинлигини ёдда тутинг. Жабрланувчининг дилидагини ошкор қилишга мажбурламанг. Агар жабрланувчи дилидагини ошкор қилмаса, у гендер зўравонликка дучор бўлишига нима сабаб бўлганлигини айтиб беринг;
- кераксиз танаффуслардан қочинг, жабрланувчи ўз ҳикоясини тугатганидан сўнг ўзингизни қизиқтирган саволларни беринг;
- пассив тинглаш ва турли шарҳларни эшитишдан тийилинг. Бу, сиз унга ишонмаслигингиз ва у ҳақ эмаслигини, балки тажовузкор/зўравон ҳақ деб ўйлашига олиб келиши мумкин;
- жабрланувчининг кечинмаларини диққат билан тингланг ва ҳис-туйғулари оқланганига ишонтиринг
- гендер зўравонлик жабрланувчиси фойдаланаётган тилни ишлатинг; агар жабрланувчининг тили хизмат кўрсатувчидан фарқ қилса, унда жабрланувчининг тилида гапирадиган бошқа хизмат кўрсатувчи ёки таржимонни таклиф қилинг;
- тил ва сўзларни жабрланувчига тушунарли даражада мослаштиринг. Жабрланувчини чалкаштирадиган профессионал жаргон ва ибораларни ишлатманг;
- савол ва ибораларни хайрихоҳ оҳанг ёрдамида қулай ва холис тарзда шакллантиринг. Очиқ саволлардан фойдаланинг ва «нима учун» дан бошланган саволлардан қочинг, бу одатда жабрланувчининг ўзи айбдор эканини англатади;

- гендер зўравонлик жабрланувчисини айбдор санаманг. «Нега сиз у билан қолмоқдасиз?», «Зўравонлик юз беришидан аввал сизда бирор-бир асос бор эдими?», «Сиз бу ерда ёлғиз нима қилаяпсиз?», «Қандай кийим кийиб олгансиз?» каби саволларни айланиб ўтишга ҳаракат қилинг. Бунинг ўрнига гендер зўравонликка тоқат қилиб бўлмаслигига ишонтиринг;
- ***«Мен бу ҳодиса содир бўлганидан афсусдаман»*** ёки «***Сиз ҳақиқатан ҳам кўп нарсани бошдан кечирдингиз»*** каби ёрдамчи жумлалардан фойдаланинг, бу жабрланувчини кўпроқ маълумотни ошкор қилишига рағбатлантириши мумкин;
- зўравонлик жабрланувчининг айби эмаслигини ва фақат тажовузкор/зўравон унга жавобгар эканини таъкидланг;
- маълумот махфий қолишини ва у ҳар қандай махфийлик чекловларидан хабардор қилинишини тушунтиринг;
- суҳбатдошингизнинг кўзларига қараб суҳбат олиб боринг, бу маданий нуқтаи назардан мақбул саналади;
- бутун эътиборингизни жабрланувчига қаратинг. Мулоқот пайтида қоғозбозликдан узоқлашинг;
- тана ҳаракатларингизни ҳис қилинг. Қўллар, бош, юзингиздаги ифода ва овоз оҳанги — буларнинг барчаси жабрланувчига вазиятни қандай қабул қилишингиз ҳақида аниқ сигнал беради;
- қўллаб-қувватловчи позицияни холисона ифода этинг ва жабрланувчи айтган нарсаларни тасдиқланг. Жабрланувчига нисбатан ғазабланиш, ишончсизлик, ёқтирмаслик ёки аччиқланишни ифодаловчи тана ҳаракатларидан қочинг;
- жабрланувчининг маданияти ёки эътиқодига кўра хулоса қилманг;
- бошқалар суҳбат жараёнига аралашишларига йўл қўйманг;
- жабрланувчининг вазиятини ҳамкасбларингиз билан унинг розилигисиз муҳокама қилманг.

Биринчи таассурот доимо барқарор ва мазмунли таъсирга эга. Гендер зўравонликни бошдан кечирган ва психологик хизматлардан фойдаланишни истаган шахс онгида бино, қабулхона ва умумий муҳит биринчи таассурот сифатида муҳрланади. Бу таассурот гендер зўравонлик жабрланувчисига таъсир қилиши ва кейинги барча босқичлардан ўтишга туртки бериши мумкин. Буларнинг барчаси маслаҳатчи (психологик хизматлар тақдим этувчи) жабрланувчи билан саломлашишидан аввал содир бўлади.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан суҳбат стол атрофида ёки ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилиши керак. Столнинг турли томонларида ўтириш, жабрланувчи билан мулоқотда қўшимча тўсиқни келтириб чиқариши мумкин. Хизмат кўрсатувчи билан тенгсизликни ҳис қилган жабрланувчи у билан баҳам кўришни истаган маълумотни чеклаши ва мутахассисга бўлган ишончни камайтириши мумкин.

Аммо жабрланувчи билан юзма-юз бўлиш ва унинг кўзларига узоқ тикилиб қараш қарама-қаршиликнинг нотўғри тушунчасини келтириб чиқариши, бу зўравон ҳаракатлар қилган шахснинг одатий хатти-ҳаракатига ўхшаб кетиши мумкин.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси кириш/чиқиш эшигини кўриши мумкин бўлган ҳолат, жабрланувчи кўпинча изоляция ва назорат қилинадиган ҳолатда бўлган тажовузкор вазиятдан фарқли ўлароқ, вазиятни назорат қилиш туйғусини таъминлайди.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси учун сув ва/ёки енгил таомни таклиф этинг, чунки уларнинг кўпларида озиқ-овқат маҳсулотларини олиш имконияти чекланган ёки бундай имконият умуман бўлмаслиги мумкин.

**Вояга етмаган гендер зўравонлик жабрланувчилари билан ўзаро муносабатлар**

Болага нима ҳодиса содир бўлганини эркин сўзлаб беришига имконият яратинг. Суҳбатни "Сизга нима бўлди, қани бир бошдан менга айтиб беринг-чи" деган сўзлар билан бошлашингиз мумкин.

Қонун тартибларига мувофиқ иш кўрувчи мутахассислар вояга етмаганлар билан ишлашда новербал тилдан (яъни, тана ҳаракатлари, юз ифодаси, гапириш оҳанги, юз мушакларининг маъноли ҳаракатлари, имо-ишоралардан) фойдаланадилар. Бундай мутахассислар ўзларининг новербал мулоқотлари гапира-ётган гапларига мос келишини таъминлашлари керак. Ўзаро мос келмайдиган мулоқот тили болаларни

ўта саросимага солади ва нотўғри тушуниш, умидсизлик, қўрқув, ноаниқ ва тўлиқ бўлмаган маълумотлар беришига олиб келади.

Вояга етмаганлар билан ишлашда мулоқотнинг новербал тилнинг қуйидаги учта қисмига эътибор қаратиш лозим:

ташқи кўриниш: болалар қандай қилиб хизмат кўрсатувчини сезиши ва кийим, заргарлик буюмлари, соч турмаги, бўяниш туфайли улар билан алоқа қилишни қийинлаштирадиган омилларни минималлаштиришни яхши билиш.

*Эсингизда бўлсин: боланинг манфаати ҳамма нарсадан устундир!*

*Нима қилмаслик керак:*

- болага "Бу бизнинг орамизда қолади", "Онангизнинг жаҳли чиқмайди", "Ҳаммаси яхши бўлади" каби бемаъни ваъдаларни берманг;
- болага ҳамма нарсани унутиб, ҳеч нарса бўлмагандай яшашни маслаҳат берманг.

Боланинг ўзига нисбатан қилинган зўравонлик ҳақида индамаслигининг сабаблари, асосан, зўравон томонидан кучли ишонтирилган (ўзи айбдор деб ишонтирилган): қўрқув; ўзига паст баҳо бериш; айбдорлик ҳисси; умидсизлик; шармандаликни рад қилиш; севги каби омиллар ҳисобланади.

# 2. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИЛАРИГА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИОН ИШ ТАРТИБЛАРИ

Гендер зўравонлик жабрланувчиларига тақдим этиладиган хизматларнинг умумий мақсади жабрланувчига ўзини ўзи қадрига етиши ва ўз шахсий ҳаётини ўзи бошқаришига кўмаклашишдан иборатдир.

Психологик қўллаб-қувватлаш азобларни камайтирадиган, жабрланувчини ёлғизлатмайдиган, жисмоний ва руҳий соғлиғини яхшилайдиган, кейинги реабилитациясига ҳисса қўшувчи ҳаракатларга асосланган фаолиятни ўз ичига олади.

Ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида жабрланувчининг махфийлигини таъминлаш унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Психологик хизмат тақдим этилиши давомида амалга оширилиши мумкин бўлган ҳаракатлар турлари бўйича босқичма босқич иш тартиблари гуруҳларга ажратилган, ҳамда: идентификациялаш, баҳолаш, жавоб чоралари, гендер зўравонлик ҳодисаларини ҳужжатлаштириш, ишларни бошқаришни мувофиқлаштириш ва қайта йўналтириш каби таркибий қисмларга эга.

Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан ўзаро муомалада босқичлар ва/ёки бўлимларнинг тартибини ўзгартириш мумкин. Фақатгина жабрланувчига тақдим этиладиган ҳар қандай ёрдам мавжуд ҳолатни аниқлашдан бошланиши керак. Ҳар бир маслаҳатчи/ходим муассаса/ташкилотнинг низоми ва ҳуқуқий кўрсатмаларига мос келадиган бўлимларни амалга ошириши мумкин.

Агар ёрдам сўраб мурожаат қилган шахс гендер зўравонликнинг бирон-бир кўринишига дуч келгани ҳақида қандайдир далил ёки шубҳа бўлса, маслаҳатчи/ходим у олиши мумкин бўлган ҳамма хизматларнинг тақдим этилишини таъминлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириши керак.

Гендер зўравонлик жабрланувчисига нисбатан бетараф бўлиш ва бирон-бир ёрдамни кўрсатиш мақсадида маслаҳатчи/ходим аввало ўзининг барча шахсий стереотиплари ёки тўсиқларидан воз кечгани ва улар ҳал этилганига, гендер зўравонлик ҳодисасига нисбатан шахсий тажрибаси етарли эканига ишонч ҳосил қилиши керак.

## 2.1. Гендер зўравонликни аниқлаш ва гендер зўравонлик жабрланувчисини идентификация қилиш

Ҳар қандай гендер зўравонлик ҳодисасига жавобан фаолият талаб қилинганда биринчи қадам бу зўравонликнинг ва уни сабабларини аниқлашдан иборат бўлади. Бу босқич ўз-ўзини ошкор қилиш, қайта йуналтириш ёки гендер зўравонлик ҳақида ҳисобот тақдим этиш йўллари орқали маълум бўлганда амалга оширилиши керак.

Гендер зўравонлик ҳодисасини аниқлаш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

1) гендер зўравонлик жабрланувчисининг мурожаатига кўра;
2) турли хил ижтимоий/параижтимоий[1] хизматлар ходимларининг уйма-уй ташрифлари;
3) бошқа ташкилотлар, муассасалар ёки жисмоний шахслардан олинган маълумотлар;
4) гендер зўравонлик профилактикасини олиб борувчи ва жавобгарлик чораларини кўрувчи бошқа субъектлар тақдим этган маълумотлар;
5) ижтимоий тармоқлардаги хабарлардан/мурожаатлардан.

1 Параижтимоий хизматлар — бу ижтимоий хизматлар кўрсатувчи, аммо уларни тақдим этиш учун стандарт ва профессионал талаблар қўйилмаган хизматлар тури.

Психологик хизмат тақдим этувчи гендер зўравонлик жабрланувчини тўғри идентификация (жабрланувчи сифатида тасдиқланиши) жуда муҳим саналади, чунки аксарият ҳолларда турли шахслараро низоларнинг иштирокчилари (оила аъзолари ўртасида низолар, иш жоидаги низолар иштирокчилари орасида, қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликлар ва бошқа вазиятларда) ўзларини гендер зўравонлик жабрланувчиси сифатида кўрсатиши мумкин.

Гендер зўравонлик қуйидаги алоҳида муҳим белгиларга эга бўлади:

- шахслараро низолардан фарқли ўлароқ, гендер зўравонлик гендер зўравонлик содир этувчи шахс гендер зўравонлик жабрланувчисига нисбатан ўзининг "назоратини" ва "ҳукмини" намойиш қилиш зарурати сабабли юзага келади;
- гендер зўравонлик жабрланувчисида унга нисбатан зўравонлик ҳолатлари содир этилишида доим ўзини айбдор эканлиги тўғрисида қатъий фикр шаклланган бўлади;
- зўравонликни содир этувчи (объект) ва жабрланувчи (субъект) ўртасида муносабатларнинг ўзига хослиги (эр-хотин, қариндошчилик, касбий бўйсуниш каби муносабатлар);
- зўравонлик ҳаракатлари такрорланиши билан бир қаторда, ҳаракатлар зўравонликни бир неча турлари орқали содир этилади (масалан, руҳий-жисмоний, жисмоний-жинсий ёки ҳаммаси биргаликда).

Зўравонлик содир этувчи ўз ҳаракатларини олдиндан режалаштирилиши ва унга тайёргарлик кўриши:

- зўравонлик ҳодисасидан жабрланувчининг яқин инсонлари (болалари, ота-онаси, қариндоши) ҳам жабр кўриши. Бу "иккиламчи виктимизация" деб аталади;
- зўравонлик даври[2] қисқариб бориши билан бир қаторда зўравонлик ҳаракатлари ёвузлашиши.

Гендер зўравонлик жабрланувчисининг ҳаёти ёки саломатлигига хавф туғдирадиган ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар бўйича шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилиши хизматни тақдим этувчининг устувор ҳаракатларидан бири бўлиши керак. Ҳар қандай ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан аввал, оғир ва ҳаёти учун хавфли аҳволга тушиб қолган жабрланувчи шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилиши учун дарҳол тиббий муассасага юборилиши лозим.

Жабрланувчининг мустақиллигини ҳурмат қилиш ва сир сақлаш унинг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради. Ушбу қадам, ўз навбатида, зарурат бўлганида вазиятга оид кейс-менежмент хизматларидан фойдаланиш ёки бошқа хизмат кўрсатувчи муассасаларга юбориш учун жабрланувчидан англанган розилик олиш масалаларини ҳам қамраб олиши мумкин.

**Психологик хизматлар тақдим этувчилар учун тавсиялар**

Хизмат кўрсатувчи билан (масалан, маслаҳатчи-психолог) ўзаро муомалада бўлган пайтдан бошлаб, гендер зўравонлик жабрланувчиси махфийлик сақланишига ишонч ҳосил қилиши керак. Бунда, зарур бўлганда, психолог хизматларига ёки бошқа хизмат кўрсатувчиларга мурожаат қилиш учун ундан розилик олиш киради. Хусусан:

- сизга ёрдам сўраб мурожаат қилган кишига хушмуомалалик билан дўстона салом беринг;
- ўзингизни таништиринг ва муассасангиз фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда кўрсатадиган хизматлари ҳақида қисқача таъриф беринг;
- у шахсдан ўзини таништиришини илтимос қилинг;
- хизматлардан фойдаланиш мақсадида мурожаат қилган хотин-қизларнинг ҳақиқатан гендер зўравонлик жабрланувчиси бўлганига аниқлик киритинг;
- гендер зўравонлик жабрланувчиси ёки унинг ёнидаги ҳамроҳлари билан жисмоний, шунингдек, қалтис ҳаракатларга киришманг;
- жабрланувчидан унга (айниқса жинсий зўравонлик ҳолатларида) айни жинсдаги хизмат кўрсатувчидан ёрдам олиш хоҳиши бор-йўқлигини сўранг;

2 Зўравонлик даври (ингл. Cycleofabuse) – Ленор Эдна Уокер[en]томонидан ишлаб чиқилган, муносабатларда зўравон шахснинг хатти-ҳаракатларини тушунтириш учун ишлаб чиқилган назария. Бу давр тўртта фазадан иборат: кескинликнинг кучайиши, зўравонлик, ярашув ва"асал ойи" (хотиржамлик).

- гендер зўравонлик жабрланувчисига у ўзи учун муҳим деб билган барча саволларини беришига имконият яратинг;
- турли тоифалардаги шахсларнинг эҳтиёжларини (масалан, жисмоний ёки руҳий ногиронлиги бўлган, диндор ёхуд этник озчиликка мансуб шахслар) ёдда тутинг ва уларнинг диққатини жалб қилиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширинг;
- махфийлик ва ҳамдардлик муҳитини ҳосил қилинг, мурожаатчини диққат-эътибор билан эшитинг ва аниқлаштирувчи саволларни беринг. Хизмат кўрсатувчи муассаса ходими сифатида ўзингиз билан жабрланувчи орасида ўзаро ишончни шакллантиринг.
- гендер зўравонлик жабрланувчисини асло ёлғиз қолдирманг, айниқса, унда ўзига шикаст етказиш эҳтимоли ўз жонига қасд қилиш кайфияти ёхуд шунга ўхшаш нохуш ҳолатлар мавжуд бўлса.

***Гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқлаш (идентификация қилиш) учун ушбу ҳужжатнинг 2-иловасида келтирилган сўровномадан фойдаланиш тавсия этилади.***

Гендер зўравонлик мавжудлигини баҳолашда ҳар бир ҳаракат блоки учун алоҳида баллар белгиланади. Зўравонлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар натижасида, агар блоклардан бирида 5 ёки ундан кўп балл тўпланган бўлса, шахс гендер зўравонлик жабрланувчиси, деб эътироф этилади. (2-илова).

## 2.2. Гендер зўравонлик ҳодисасини баҳолаш

Гендер зўравонлик жабрланувчиси аниқланганидан сўнг, психологик хизматларни тақдим этувчи муассаса томонидан зўравонликка қарши самарали курашиш учун ресурслар, кўникмалар ва ўз ваколатларига мувофиқ келгусида амалга ошириладиган ишлар (қўллаб-қувватлаш/ёрдам, факт ва далилларни тўплаш, гендер зўравонлик ҳодисасини ҳужжатлаштириш ва йўналтириш) қарор қабул қилиши керак.

Психолог ўз ишида ушбу ҳужжатга устувор аҳамият қаратган ҳолда амал қилади. Гендер зўравонлик ҳодисасида ижтимоий номувофиқлик ва ижтимоий маҳрумликка олиб келган салбий муомала мавжудлигини баҳолашда шахсга қарши қаратилган ҳаракатлар қуйидагича гуруҳланади:

1) жисмоний зўравонлик;
2) психологик зўравонлик;
3) иқтисодий зўравонлик;
4) жинсий зўравонлик.

Ҳодисани баҳолаш гендер зўравонлик жабрланувчисининг жисмоний ва руҳий саломатлиги, ижтимоий ҳаёт, муносабатлар ва иқтисодий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлади ҳамда гендер зўравонликдан жабрланувчининг ҳаётига солинаётган хавфларни тўғри баҳолаш имконини беради (3-илова). Маълумотларнинг барчаси психолог маслаҳатчига гендер зўравонлик жабрланувчиси эҳтиёжига ва жабрланувчи ёки хизмат кўрсатувчининг мавжуд ресурсларига қараб энг муносиб жавоб режасини тузишда ёрдам беради.

**Сифатли хизматлар тақдим этиш учун шартлар**

Сифатли ҳизмат кўрсатиш шартлари қуйидагилардан иборат:

- жабрланувчидан кўрсатиладиган хизматлар учун розилигини олинг. Агар жабрланувчи мустақил ўқиш ва ёзиш қобилиятига эга бўлмаса, жабрланувчининг номидан баённома тузилиб, унга ўқиб берилади ва онгли равишда оғзаки розилиги олинади (бу факт хабардор қилинганлик тўғрисида онгли равишда розилик ёки бошқа шаклда кўрсатилади);
- жабрланувчига ўзининг розилик ҳуқуқи чекланганини тушунтиринг. Яъни, қайси маълумотларини ошкор қилиши, қайсиларини сир сақлашини ўзи танлаши мумкинлиги ҳақида хабардор қилинг;
- тегишли маълумотларни онгли равишдаги розилик учун тақдим қилинг. Бошқа хизмат кўрсатувчи муассасалалар/агентликлар билан маълумот алмашишнинг оқибатларини жабрланувчига маълум қилинг;
- кўрсатиладиган ёрдам ҳамдардлик асосида, тушунарли, холис ва беғараз тақдим этилишига ва бунинг учун барча имкониятлар ишга солинишига ишонч ҳосил қилинг.

**Бошқа хизмат кўрсатувчилар билан мувофиқлаштириш**

- Хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилот/муассасаларнинг гендер зўравонлик ҳодисалари/ ҳолатлари юзасидан ҳуқуқий мажбуриятлари ва тақдим этилган маълумотлар бўйича ҳисобдорлигини, агар бунинг имкони бўлса, аниқлаштиринг.
- Гендер зўравонлик жабрланувчисини ҳимоя қилиш мақсадида, уни қўллаб-қувватлаш/ёрдам бериш учун эҳтиёжларига ва талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган хизматлар кўрсатиш имкониятини кўриб чиқинг.
- Маслаҳатчидан гендер зўравонлик жабрланувчисининг хоҳиш-истаклари ва хизмат кўрсатувчидан нималарни кутаётганини аниқлаштиринг.

**Зўравонлик даражасини идентификация қилиш**

- Гендер зўравонлик жабрланувчиси билан суҳбатлашиб, зўравонлик ҳодисаси ҳақида тўлиқ маълумот (зўравонлик тури, уни амалга оширган шахс, жабрланувчининг зўравонлик вақтидаги ва ҳозирги аҳволи ва бошқалар) тўпланг.
- Буларни аниқ зўравонлик жабрланувчисига айланган шахсдан сўранг ва агар сизда бу ҳақида маълумот бўлмаса, шахсий ҳаёти тарихини сўзлаб беришни илтимос қилинг. Агар жабрланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва/ёки ижтимоий ходимлар томонидан йўналтирилган бўлса, жабрланувчига такрорий жароҳатланмаслиги учун психологик хизматлар этувчига у билан ўзаро мулоқотни бошлашдан аввал йўналтирган ташкилот/муассасадан тегишли маълумотларни олиш тавсия этилади.
- Хавф даражасини баҳоланг (3-илова) ва жабрланувчининг ўзини ўзини ҳимоя қилиши учун баъзи қоидаларни ишлаб чиқинг.
- Жабрланувчининг бўлиб ўтган ҳодиса юзасидан ҳис-туйғуларини ўрганинг.

**Иккиламчи маълумотларни тўплаш**

Психологик хизмат тақдим этувчи қуйидаги маълумотларни тўплаши керак:

- гендер зўравонлик ҳодисасининг жабрланувчининг ҳаётига кўрсатган таъсири ҳақида;
- гендер зўравонлик жабрланувчиси ва унинг фарзандларининг психологик, жисмоний, ижтимоий ҳолати ҳақидаги маълумотлар;
- жабрланувчининг биологик оиласининг тарихи;
- жабрланувчининг иқтисодий аҳволи ва унинг оилага қарамлиги/қарам эмаслиги, турмуш/яшаш шароитлари ҳақидаги маълумотлар;
- зўравонлик ҳолатларига қарши кейинги ҳаракатлар, улардан жабрланмаслик стратегиялари, бундан буён қўпол муомалалардан қочиш усуллари;
- болаларнинг ҳолати (уларнинг гендер зўравонлик ҳодисасига ва ота-оналарига муносабати).

## 2.3. Хизмат тақдим этиш

Бу гендер зўравонлик жабрланувчилари учун кўрсатиладиган зўравонлик ҳаракатлари ва унинг оқибатларини камайтириш ҳамда навбатдаги жароҳатлар, шу жумладан, ўзини айбдор деб билган жабрланувчининг такроран жабрланишининг олдини олишга қаратилган кенг қамровли таянч хизматларни ўз ичига олади.

Хизматларни кўрсатиш психологик ташхис қўйиш асосида ишлаб чиқилган, аниқланган эҳтиёжлар ва манбаларга таянган ҳолда индивидуал иш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Барча таъсир чоралари жабрланувчига қаратилиши ва зўравонлик ҳолатига идоралараро яхлит ёндашишни, индивидуал ҳолатга мослашиш ва пировард натижада бу чораларни барқарорлик тамойиллари асосида амалга ошириш талаб этилади.

Психологик хизматлар гендер зўравонлик жабрланувчисининг психологик ҳолатини мувофиқлаштириш, унинг реабилитацияси, ижтимоий мослашиши ижтимоийлашиши ва атроф-муҳитга интеграциялашувига йўналтирилади. Психологнинг асосий саъй-ҳаракатлари жабрланувчининг руҳий ҳолатини яхшилашга, нормал ҳаёт муҳитига мослашиш қобилиятини тиклашга ёрдам беришга қаратилган.

### 2.3.1. Инқирозли маслаҳат

Инқироз маслаҳат хизматини тақдим этиш гендер зўравонлик жабрланувчиларининг хавфсизлигини зудлик билан таъминлашга ва уларнинг нималарни бошдан кечирганларини англаб етишларига, ўз ҳуқуқларини такроран тасдиқлашга ҳамда айбдорлик, уят ҳисси ва қайғу-аламларини енгиллаштиришга қаратилган. Мазкур хизматлар турли хил усулларда, жумладан, юзма-юз мулоқот, стационар ёки мобиль телефон орқали суҳбат, электрон почта, шунингдек, турли хавфсиз жойлар ва хавфсиз шароитларда тақдим этилиши мумкин.

Инрозли маслаҳат босқичида психологик хизмат тақдим этувчилар учун тавсиялар:

- гендер зўравонлик жабрланувчиси ва унинг фарзандлари асосий эҳтиёжларини (очлик, ташналик, уйқусизлик) қондиринг;
- жабрланувчидан оғир вазиятдан чиқиш ва бунинг учун унда мавжуд бўлган манбалар ҳақидаги шахсий фикрини сўранг ва уларни жабрланувчи билан биргаликда муҳокама қилинг;
- гендер зўравонлик жабрланувчининг барча психологик эҳтиёжларини қондириш учун унга психологик ёрдам хизматидан фойдаланишни таклиф қилинг;
- жабрланувчига инқирозли ҳолатдаги қуйидаги қўшимча хизматлар ҳақида маълумот беринг ва улардан фойдаланишни таклиф қилинг:
  а) хавфсиз бошпанадан бевосита фойдаланиш;
  б) шошилинч тиббий хизматдан фойдаланиш;
  в) ҳар қандай вазият ва шароитларда ҳам зўравонлик жабрланувчиларига хизмат кўрсатувчи муассасаларга қайта мурожаат қилиш имконияти;
- гендер зўравонлик жабрланувчи билан биргаликда унга ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳимоя ордери органларидан (зарурат бўлса) олиш имкониятини кўриб чиқинг;
- гендер зўравонлик жабрланувчига агар лозим бўлса, ўзи ва фарзандларининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида шахсий хавфсизлик режасини муҳокама қилишига кўмаклашинг (5-илова);
- жабрланувчининг инқироз босқичида хизмат кўрсатувчи бошқа муассасалар билан боғланиши ва уларга мурожаат қилиши учун батафсил алоқа маълумотларини унга, унинг алоқа маълумотларини бошқа идоралараро ташкилотлар/муассасалар ходимларига тақдим этинг;
- гендер зўравонлик жабрланувчисига келгусидаги узоқ муддатли хавфсизлик режасини тушунтириб беринг ва келишиб олинг.

**Гендер зўравонлик жабрланувчилари учун инқирозли психологик маслаҳат беришда қуйидагилар** муҳим:

- ўзини борича (тўлиғича) қабул қилишини таъминлаш;
- зўравонлик билан боғлиқ вазиятларда аниқ ҳаракатлар режасини тузишда ёрдам бериш;
- асосий муаммоларни аниқлашга ёрдам бериш;
- қўллаб-қувватлаш тизимларини сафарбар этишга ёрдам бериш;
- содир бўлган воқеаларнинг жиддийлигини тушунишга ёрдам бериш;
- соғайиш (руҳий саломатлиги тикланиши) учун вақт кераклигини тушунишга ёрдам бериш;
- жабрланувчи шахсиятининг кучли томонларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

### 2.3.2. Узоқ муддатли мажмуавий психологик қўллаб-қувватлаш

Эмоционал реакциядан сўнг, аста-секин зўравонлик ҳолатини акс эттирадиган **хулқ-атвор одатларининг** моделлари ва механизмларини ўрганишга қаратилган ишларга ўтиш мумкин.

***Ишнинг ушбу босқичининг*** мақсади — шахслараро муносабатлар тизимини тиклаш (репарация[3])дир . Мазкур босқич узоқ, ҳатто бир неча йил давом этиши мумкин.

Гендер зўравонлик жабрланувчисини даволашга эътибор қаратган психолог ҳеч қандай изоҳ бермасдан фактларни аниқлайди.

***Маслаҳат беришнинг асосий усули*** тинглашдир ва ўзаро муомалани "минимал рағбатлантириш" усули билан ифодалаш мумкин. Мижознинг интенсив фикрлаш жараёнига ёрдам берадиган танаффуслар катта аҳамиятга

3 Репарация (лот. тилида reparatio — тиклаш)

эга. Ушбу босқичда психологнинг ўзининг ички дунёсига қулоқ солиши, ҳис-туйғуларини ва фикрларини идрок қилиши, уларни қабул қилишни ва бошқаришни ўрганиши жуда муҳимдир. Ўзининг ҳис-туйғуларини ушлаб туриш (бошқариш) қобилияти психологга шахс зўравонлик жабрланувчиси бўлиб чиққанида вазиятни хотиржам ва холис баҳолашга, унга хизматлар тўғрисидаги маълумотлар ва мустақил қарор қабул қилишида ёрдам беради, бу ўз навбатида, психологнинг ўзига бўлган ишончи ва кучи мустаҳкамланишига имкон беради.

Инқирозли ҳолатга аралашар экан, психолог жабрланувчи зўравонлик оқибатидаги олган жароҳатини самарали даволашда ёрдам бериши керак. Бунинг учун маслаҳат бериш жараёнида психолог ёрдами билан **учта вазифа** қўйилади:

1) нима бўлганлиги тўғрисида етарли ва аниқ-равшан тасаввурга эга бўлиш;
2) ҳиссиёт ва реакцияларни бошқариш, таъсирни енгиш;
3) психологик жароҳат оқибатларини енгиш учун хулқ-атвор моделларини шакллантириш.

### 2.3.3. Психологик ёрдам турлари ва шакллари

**Психологик кузатиб бориш**

- гендер зўравонлик жабрланувчилари ва уларнинг оилалари вазиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш асосида психологик ёрдам;
- руҳий безовталик, шахсият (шахсият доирасидаги) ёки шахслараро можаро ва гендер зўравонлик жабрланувчиларининг оғир ҳаётий вазиятини янада ёмонлаштириши мумкин бўлган бошқа салбий вазиятларни ўз вақтида аниқлаш;
- ўз вақтида зарур психологик ёрдам кўрсатиб бориш.

**Психологик маслаҳат, психотерапия**

Психологик маслаҳат гендер зўравонлик жабрланувчисидан унинг муаммолари тўғрисида маълумот олиш, жабрланувчи учун ички ресурсларни очиш ва сафарбар қилиш ва кейинчалик ижтимоий-психологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида у билан ушбу муаммоларни муҳокама қилишни ўз ичига олади.

Психологик маслаҳат қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- <u>шошилинч психологик ёрдам</u>: зўравонлик жабрланувчиларини инқироздан ёки стрессли вазиятлардан халос қилиш, психоэмоционал ҳолатни меъёрлаштириш, уларнинг жисмоний, маънавий, шахсий, интеллектуал ресурсларини инқироз ҳолатини енгиб ўтишга, юзага келган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишга, ўзига бўлган ишончни кучайтиришга сафарбар этиш. Шошилинч психологик ёрдам "Ишонч телефони" орқали ҳам бўлиши мумкин;
- индивидуал психологик маслаҳат.

Индивидуал психологик маслаҳат қуйидагилар учун ўтказилади:

- турли хил зўравонликларга учраб, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш учун оилавий ва жуфтлик муносабатларини, шунингдек, шахслараро можаролар ва бошқа муносабатларни шакллантириш масалаларини муҳокама қилиш учун;
- гендер зўравонлик жабрланувчилари билан босқичма-босқич психологик машғулотларни олиб бориш учун шахсий режа тузиш учун.

**Психологик тренинглар**

Психологик тренинглар оғир ва ноқулай вазиятдан чиқишга ёрдам бериш, руҳий саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, стрессга чидамлиликни ошириш, биринчи навбатда, шахслараро муносабатлар, низоларни ҳал қилиш ва мулоқот соҳасида психологик маданият даражасини яхшилаш мақсадида ўтказилади.

**"Ишонч телефони" ва "Телефон орқали тез ёрдам хизмати"**

"Ишонч телефони" / "Телефон орқали тез ёрдам хизмати" ("горячая линия") учун қуйидагилар зарур:

- тегишли тайёргарлик, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган қўнғироқларга жавоб берувчи ходимлар;

- гендер зўравонлик жабрланувчиси бўлган хотин-қизларнинг индивидуал ҳолатларига муносабат билдириш учун ёрдам линияларида уларни бошқа ижтимоий ва тиббий хизматлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан боғлайдиган келишувлар/протоколлар мавжуд бўлиши керак.

**Қўллаб-қувватлаш гуруҳлари**

Гендер зўравонлик жабрланувчиси қўллаб-қувватлаш гуруҳларига мурожаат қилиши мумкин. Бундай гуруҳларга мурожаат қилиш қуйидагиларни англатади:

- билимларни ошириш;
- муносабатларнинг ўзгариши (ишончнинг кучайиши);
- хулқ-атворнинг ўзгариши.

Асосий вазифа — бу эмоционал (ҳиссий) қўллаб-қувватлаш, "тиқинни очиш", муаммони хавфсиз муҳитда муҳокама қилиш ва гуруҳ ёрдами билан ечимини топиш ва қарор қабул қилиш қобилияти.

Қўллаб-қувватлаш гуруҳларини икки турга ажратиш мумкин:

1) муайян мавзуга оид;
2) муайян мавзуга оид бўлмаган (мулоқот клуби).

Гендер зўравонлик жабрланувчилари учун реабилитация марказларида иккала турдаги клуб ҳам фаолият олиб бориши мумкин. "Мулоқот клуби" тамойили бўйича тематик бўлмаган бирламчи клуб ҳисобланади. "Мулоқот клуби" кейинчалик тематик гуруҳларни ривожлантириш учун ишлатилиши мумкин бўлган мавзуларга бўлган эҳтиёжни аниқлайди. Мазкур клуб вақти-вақти билан, масалан, ҳафтасига бир марта 2 соатдан йиғилади.

***Изоҳ:** бу ерда зўравонлик жабрланувчиларининг шароитлари ва имкониятларини ҳисобга олиш керак, чунки маҳаллаларда (айниқса қишлоқ жойларида) хотин-қизлар ҳар доим ҳам реабилитация марказларига очиқ-ойдин ташриф буюра олмайдилар. Шу муносабат билан, психологик хизмат кўрсатувчи ташкилот ва муассасалар ҳар бир реабилитация марказлари қошида жойлашган "Аёллар тадбиркорлик марказ"ларида мулоқот клубларини ташкил этиш ва ушбу марказларга гендер зўравонлик жабрланувчиларини таклиф қилиш тавсия этилади. Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида махфийликни ҳисобга олган ҳолда, ушбу турдаги гуруҳнинг ишлаши учун барча шароитларни ҳисобга олиш ва яратиш мақсадга мувофиқдир.*

Қўллаб-қувватлаш гуруҳлари учун психологик ёрдам кўрсатувчига 7–15 кишига мўлжалланган алоҳида, энг муҳими, бинонинг орқа томонида (ўтиш мумкин бўлмаган), кенг ва холи хона керак (бунда зич ёпиқ эшик ва деразалар ортида ишлаш мумкин, шунда гуруҳ аъзолари кимдир уларнинг суҳбатини эшитишидан хавотирланишмайди). Хонада кўп жиҳозлар керак эмас, чунки бу гуруҳ аъзоларининг эркин ҳаракатланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Тематик қўллаб-қувватлаш гуруҳлари учун — гуруҳ етакчилари ва иштирокчиларининг муҳокамалари натижаларини, муҳим хулосалари ва тавсияларини ёзиш имконини берувчи маркерлар ва флип-плакатлар бўлиши керак. Визуал ва аудио-видео материаллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

<u>Гуруҳ ишининг асосий принципи</u> — бу махфийлик.

Гуруҳни шакллантириш босқичида гуруҳдан маълумот тарқалиб кетиши хавфини бартараф қилиш мақсадида қўллаб-қувватлаш гуруҳининг <u>иш принципларини</u> ўта синчковлик билан ишлаб чиқиш, бу борадаги хавф ва оқибатларни иштирокчиларга тушунтириш керак. Бундан ташқари, гуруҳлар етакчилари гендер зўравонлик жабрланувчиси гувоҳ бўлган вазиятнинг ўта интим тафсилотларини ошкор қилиш хавфи туғилганида, гуруҳ аъзоларини (маълум усуллардан фойдаланган ҳолда) «тўхтатиш» учун сезгир ва эҳтиёткор бўлишлари керак.

Қоидага кўра, махсус ўқитилган психологлар ёки ўзлари анча илгари гендер зўравонлик жабрланувчиси бўлган ва махсус ўқитилган кўнгилли (волонтер)лар мақсадли гуруҳнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қўллаб-қувватлаш гуруҳларининг бошловчи (модератор)лари бўлишлари мумкин.

## 2.4. Хавфларни баҳолаш ва бошқариш

Хавфларни баҳолаш ва бошқариш шу хавфнинг даражасини пасайтириши мумкин. Хавфсизликни таъминлаш режаси келажакда зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш чораларининг бир қисми бўла олади. Хавфсизликни таъминлаш режаси хавф омиллари ва мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Самарали хавфсизлик режасини ишлаб чиқиш учун нохуш ҳодисани такрорлаш ва зўравонликни кучайтиришга қаратилган мавжуд хавф омилларини тушуниш зарур. Гендер зўравонлик билан боғлиқ қанча кўп хавф омиллари аниқланса, жабрланувчиларнинг ҳам хавфга дуч келиш эҳтимоли шунча юқори бўлади. Бундай омиллар қаторига қуйидагилар киритилиши мумкин:

- жабрланувчи, унинг фарзандлари ва оила аъзоларига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир этилган олдинги ҳаракатлар/ҳолатлар, таъқиб қилиш, тазйиқ ва зўравонликнинг аввал ишлатилган шакллари ва воситалари, олдинги жиноятлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилган аризалар, совуқ қуролдан фойдаланиш фактлари хавфни баҳолаш кўрсаткичидир.
- оиладан ташқаридаги тажовузкор хатти-ҳаракатлар;
- оилавий алоқаларни узиш ва ажрашиш хавфнинг ошиш даври ҳисобланади;
- зўравонлик содир этган шахс билан бошқа оила аъзоларининг тил бириктириши;
- қонуний ёки ноқонуний равишда совуқ қуролга эгалик қилиш ва/ёки қурол ишлатиш билан таҳдид қилиш/қурол ишлатиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд воситалар истеъмол қилиш хулқ-атворни сусайтириб, зўравонликнинг кучайишига сабаб бўлади;
- турли таҳдидлар, хусусан, ўлим таҳдиди жиддий қабул қилиниши керак;
- рашк ва худбинлик (хўжайинлик қилиш)нинг ҳаддан ортиқ даражаси;
- ўта патриархал муносабат ва хатти-ҳаракатлар;
- таъқиб қилиш ва психологик тазйиқ (шилқимлик);
- судлар ёки ички ишлар органлари томонидан берилган тақиқлов борасидаги суд буйруқларига риоя қилмаслик;
- зўравонликнинг фавқулодда кучайишига олиб келиши мумкин бўлган сабаблар (муносабатлардаги салбий ўзгаришлар).

Илк хавфсизлик режаси ишлаб чиқилиши зарур ва керак бўлса, у хавфсиз ва бировнинг ҳуқуқини поймол қилмаган тарзда таклиф ва ташкил қилиниши мумкин:

- фавқулодда ҳолатларда чақирилиши мумкин бўлган ёки бир неча кун давомида хавфсиз бошпана билан таъминлай оладиган шахслар (жабрланувчининг яқин қариндошлари, дўстлари, қўшнилари) рўйхатини тузиш;
- зўравонлик ҳақида маълум қилиш мумкин бўлган жабрланувчининг бир ёки бир нечта қўшниларини аниқлаш ва улар уйда шубҳали товушларни эшитсалар, ёрдам беришларини сўраш;
- жабрланувчининг уйни хавфсиз тарк этиши йўлларини амалда синаб кўриш;
- жабрланувчи учун хавфсизлик сумкасини (ҳужжатлар, калитлар, пуллар, дори-дармонлар, иссиқ кийимлар ва бошқалар) ҳозирлаш ва тажовуз кучайган тақдирда зўравонлик жойидан чиқиб кетадиган жойга осиб қўйиш;
- тегишли хизмат кўрсатувчиларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имкониятини ўйлаб қўйиш;
- хеч ким калтакланиш ва таҳдид остида қолишга лойиқ эмаслигини эслатинг.

## 2.5. Ҳужжатлаштириш

Гендер зўравонлик ҳақидаги ҳар бир ҳолат хизмат кўрсатувчи томонидан албатта ҳужжатлаштирилиши шарт. Зўравонлик ҳолатларини ҳужжатлаштириш стандарт шакллар, қўл билан ёзувлар, диаграммалар, фотосуратлар, рўйхат дафтарлари, кўрсаткичлар ва бошқа воститалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

***Гендер зўравонликнинг ҳар бир ҳолати бўйича тегишли маълумотларни тўплаш ва уларни маълумотлар базасига киритиш:***

1) зўравонлик ҳолатларининг ривожланишини кузатиш ва баҳолаш учун кeракли маълумотлар базасини яратади;

2) маълум бир ҳудудда юз берган ва ошкор бўлган ҳолатлар тўғрисида аниқ тасаввур беради;
3) гендер асосидаги зўравонлик бўйича идоралараро кўрилган чоралар фаолиятини баҳолашга ёрдам беради.

**Гендер зўравонлик жабрланувчиси ҳақидаги маълумотларни тўплаш учун:**

1. Жабрланувчи ҳақидаги умумий маълумотлар (ёши, маълумоти, яшаш жойи ва яшаш шароитлари, фарзандлари сони ва бошқалар), хизмат кўрсатиш учун олинган розилик, тиббий тарих (яъни умумий тиббий ва гинекологик тарих), воқеалар тўғрисидаги ҳисобот, кўрик натижалари, тадқиқотлар ва уларнинг натижалари, даволаниш режаси, маълумотлар ёки буюрилган дорилар, жабрланувчилар ҳақидаги ва тақдим қилинган бошқа маълумотларни тўплаб, қайд қилинг.
2. Жабрланувчи ҳақидаги тўлиқ маълумотларни йиғинг ва қайд қилинг. Шу жумладан:
   - гендер зўравонликни тасдиқловчи далиллар;
   - бошқа нохуш ҳодисалар тарихи, шу жумладан, аввалги шериклари билан;
   - жабрланувчи ва зўравоннинг ўзаро муносабатлари;
   - зўравонликнинг тури;
   - қурол ишлатилганлиги (ишлатилган бўлса қайси турдаги ва қандай ишлатилган);
   - ҳодиса пайтидаги гувоҳлар, шу жумладан, болалар ҳам.
3. Зўравонликнинг таъсири/оқибатларини (жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий) батафсил тасвирланг.
4. Хавф ва ҳимоя омилларини (шахсий ва ижтимоий/умумий) тавсифланг.
5. Зўравонлик ҳолатини бартараф этиш учун режалаштирилган ёки амалга оширилган ишларни ёзинг.
6. Бу ишда режалаштирилган хавфсизлик ва мавзулар мажмуини тавсифланг.
7. Кейинги учрашувларда мазкур ишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўпланг.
8. Жабрланувчи ҳодиса ҳақида сўзлаб берганида нималарни фош қилганига эътибор қаратинг.
9. Ўзингизнинг шубҳа-гумонларингиз ва уларни тасдиқловчи далилларни ҳужжатлаштиринг.
10. Жабрланувчининг ёзма маълумотларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида уни огоҳлантиринг ва розилигини олинг.
11. Барча маълумот ва ҳужжатларни хавфсиз ва махфий жойда сақланг.
12. Уларни маълумот йиғиш тизимига киритиш учун етарли вақт ажратинг.

**Гендер зўравонлик жабрланувчилари билан ишлаш бўйича махсус ҳужжатлар рўйхати**
**Психолог хулосаси**

Психолог хулосаси асосий ишчи ҳужжатдир. Психолог ўз хулосасида гендер зўравонлик жабрланувчисининг, шахсий-ҳиссий (эмоционал), психик жараёнлар кўрсаткичлари муомала кўникмаларини, психофизиологик ва бошқа хусусиятларини акс эттиради. Шунингдек, психолог хулосани ёш даражаларига, психиканинг ривожланиш босқичларига ҳамда реабилитация қилиш, ҳолатни яхшилаш дастурларига бўлган эҳтиёжга мувофиқ тавсифлайди.

**Гендер зўравонлик жабраланувчисининг диагностика ва маслаҳат картаси**

Гендер зўравонлик жабраланувчисининг шахсий варақаси — реабилитация тарихи ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлиб, узоқ муддатли психологик қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож бўлган гендер зўравонлик жабрланувчилар учун тузилади.

**Реабилитация картаси** қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: гендер зўравонлик жабрланувчисининг асосий шахсий маълумотлари, эри ёки интим шериги ва бошқа оила аъзолари, гендер зўравонлик жабрланувчисининг ижтимоий ва яшаш шароитлари тўғрисидаги маълумотлар. Шунингдек, психолог ГЗ жабрланувчиси учун муҳим бўлган ҳаётий вазиятларни, айниқса, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ўткир ва сурункали касалликлар, жисмоний ва руҳий шикастланишлар тарихини қайд этади ва таҳлил қилади. Ушбу маълумотлар ГЗ жабрланувчисининг психологик муаммолари сабабларини аниқлашга имкон беради.

**Ташхис, реабилитация машғулотлари, ҳолатни яхшилаш (коррекция), суҳбатлар.**
**Диагностик тадқиқот баённомаси** — ҳикоясининг сўз орқали ва сўзсиз ифодасини, ҳиссий ҳолатлар динамикасини қайд этади. Ушбу протокол психологик машғулот пайтида ёки ҳолатни яхшилаш (коррекция)

ишлари вақтида тузилади. Диагностика пайтида психолог диктофондан фойдаланиши мумкин ва машғулотдан сўнг протоколни тўлдириши мумкин. Бу ГЗ жабрланувчисининг бошқа муҳим кўрсаткичларига эътибор қаратишга ёрдам беради.

**Психологик тавсифлар; психологик реабилитация карталари.** Психологик хусусиятларга асосланиб, психолог ГЗ жабрланувчисининг психологик портретини яратади. У эркин шаклда ёзилиб, ГЗ жабрланувчиси реабилитациясининг индивидуал хусусиятлари, яъни когнитив ва шахсий-ҳиссий (эмоционал) соҳанинг хусусиятлари, психофизиологик фарқлар, коммуникатив эҳтиёжлар, умумий ёки махсус қобилиятларнинг мавжудлиги ва бошқалар тўғрисида маълумот беради.

**Ҳолатни яхшилаш (коррекция) машғулотлари**. Ҳолатни яхшилаш (коррекция) картаси шахсий (индивидуал) ҳолатни яхшилаш ишлари давомида тузилган ва яхшилаш (коррекция) дастурининг стратегияси ва тактикасини тавсифлайди.

Ҳолатни яхшилаш (коррекция) картасида қуйидагилар акс эттирилади:
1) умумий маълумотлар (Ф.И.О., жабрланувчининг ёши ёки коди);
2) мавжуд муаммолар (гендер зўравонлик жабрланувчиси ақлий ривожланишининг оғиш ва бузилиш хусусиятлари);
3) ҳолатни яхшилаш (коррекцион) машғулотларининг муддатлари ва босқичлари;
4) ҳолатни яхшилаш (коррекцион) машғулотларининг таъсирчан воситалари (ҳар бир циклдаги машғулотлар сони);
5) ҳолатни яхшилаш (коррекция) машғулотларида ГЗ жабрланувчисининг ҳаётий фаолиятини ташкил этиш юзасидан ташкилотларнинг тавсиялари;
6) ҳолатни яхшилаш (коррекция) машғулотлари жараёнида психологик динамика ҳолати қайд этиб борилади:
7) ҳолатни яхшилаш (коррекция) машғулотлари якунлари бўйича яхшилаш (коррекция) дастурининг натижалари.

**Психологик хулосалар ва реабилитация карталаридан кўчирмалар**

**Кўчирма** — бу ташқи ҳужжат бўлиб, ГЗ жабрланувчисининг талаби ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи, суд органлари ҳамда тиббиёт муассаларининг расмий талаби асосида расмийлаштирилади. Кўчирмада ГЗ жабрланувчиси реабилитациясининг асосий хусусиятлари ва муаммолари бўйича хулосалар ва махсус тавсиялар акс этади.

Хулоса ҳолатни яхшилаш (коррекция) карталари ва протоколлар махсус ҳужжатларнинг ёпиқ турлари ҳисобланади. Улар юзасидан фаолият жараёнида олинган маълумотларнинг махфийлиги таъминланади.

## 2.6. Бошқа хизмат тақдим этувчиларга қайта йўналтириш

Қайта йўналтириш тизимининг мақсади гендер зўравонлик жабрланувчиларга яхши муомала ва ғамхўрлик қилиш, жабрланувчини парвариш қилиш ва даволаш, шунингдек, ижтимоий ва бошқа афзал кўрилган хизматларни олиш, унинг шошилинч ва кўп сонли эҳтиёжларини қондириш бўйича ҳисобот беришнинг энг хавфсиз ва энг самарали усулини таъминлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, қайта йўналтириш хизматларини тақдим этишда келишилган ёндашувга эътибор қаратилиши зарур. Барча хизмат кўрсатувчилар, жабрланувчи билан биринчи алоқа нуқтаси бўлишларидан қатъи назар, ушбу тизимдан хабардор ҳамда қайта йўналтириш қобилиятига эга бўлишлари керак.

Агар муассасалар/ташкилотлар ҳақидаги ахборотлар/маълумотлар ҳамда махсус хизматларни кўрсатувчилар (мутахассислар) ва алоқа маълумотлари тизимлаштирилган ҳолда тегишли муассасаларга ўтказиб берилса, қайта йўналтириш тизими самарали ишлайди.

Психологик хизмат тақдим этувчи қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- Жабрланувчининг эҳтиёжи ва истакларидан келиб чиқиб, у учун қандай қайта йўналтириш манфаатли бўлиши мумкинлигини аниқлаш.
- Жабрланувчини у сўраган/ёки лозим деб топилганда бошқа хизматларни кўрсатувчига қайта йўналтириш имкониятлари тўғрисида хабардор қилиш.
- Қайта йўналтириш бўйича кейинги босқич учун жабрланувчининг олдиндан огоҳлантирилган розилигини олиш.
- Жабрланувчи билан бошқа хизматларни кўрсатувчиларга қандай маълумотларни беришни ва қандай маълумотларни сир сақлашни келишиб олиш. Жабрланувчига зўравонлик ҳолати тўғрисидаги маълумотларга нисбатан ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солиш/чекловларни тушунтириш.
- Қуйидаги мезонлар асосида гендер асосидаги зўравонлик жабрланувчисига хизматларни кўрсатувчилар ҳақидаги аниқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этиш:

  **КИМ** — жабрланувчилар/шахсларга, шу жумладан, гендер асосидаги зўравонликка дуч келганларга хизмат кўрсатувчи қанақа муассаса/ташкилот? Ушбу хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш учун масъул шахснинг алоқа маълумотлари (исм-фамилияси, лавозими, манзили ва телефон рақами)ни келтириш.

  **НИМА** — жабрланувчилар/шахслар маълум бир хизматларни кўрсатувчидан қандай ёрдамларни кутишлари мумкин? Шунингдек, ушбу хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотлар.

  **ҚАЕРДА** — хизматларни кўрсатувчининг жойлашган ери/аниқ манзили.
- Гендер зўравонлик жабрланувчисининг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истагига мувофиқ, уни ўзи танлаган бошқа хизмат кўрсатувчиларга йўналтириш.
- Йўлланма бериш ишларини бошқа хизмат кўрсатувчи билан телефон орқали суҳбат ва қисқа ёзма ҳисобот билан якунлаш. Бу жабрланувчи дуч келган зўравонлик ҳодисасининг яна такрорланмаслигини ҳамда психологик травма орқали ўтадиган кўплаб саволларга яна бир бор жавоб беришнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.
- Жабрланувчига уни бошқа хизмат кўрсатувчига йўналтириш имкониятини яратиб бериб, шу орқали унинг мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини рағбатлантириш.
- Агар лозим бўлса, жабрланувчини бошқа хизмат кўрсатувчига йўналтириш жараёнида уни бирга кузатиб бориш.
- Тўпланган далиллар нима учун муҳимлигини ва фойдали эканини тушунтириш. Жабрланувчидан зўравонлик ҳолатини исботловчи далилларни йиғишни хоҳлайдими йўқми, сўраш. Далилларни муайян ҳолатларда (масалан, жинсий зўравонлик ҳодисасида) имкон қадар тезроқ тўплаш лозимлигини эслатиш.
- Далилларни сақлаб қолиш ёки йўқ қилиб юборишга йўл қўймаслик учун нималар қилиш ва нималардан қочиш (мисол учун кийимни ювмаслик, либосни алмаштирмаслик) зарурлигини тушунтириш.
- Гендер зўравонлик жабрланувчиларининг эҳтиёжлари ва истакларига мувофиқ, уларни бошқа хизмат кўрсатувчи провайдерларга йўналтириш.

  Жабрланувчиларга ёрдам берадиган баъзи бир таянч хизматлар қуйидагилар:
  - унга далилларни тўплашга ёрдам берадиган энг яқин ташкилот/муассаса;
  - ИИБга расмий шикоят бериш;
  - тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббий муассаса.
- Гендер зўравонлик жабрланувчиларига хизмат кўрсатувчи муассасалар/ташкилотлар рўйхатини мунтазам равишда янгилаб туриш. Рўйхат (каталог)да муассаса номи, масъул шахси, манзили, телефон рақамлари ва бошқа алоқа маълумотлари ҳамда тақдим этиладиган хизматлар рўйхати акс эттирилиши лозим (илова 6).
- Тегишли хизматларни тақдим этувчи муассасалар/ташкилотлар билан қайта йўналтириш жараёнлари ҳамда ҳар бир хизматнинг аниқ вазифалари бўйича келишувлар тузиш, меморандум/протоколлар имзолаш.
- Хизмат кўрсатувчилар/муассасалар билан ахборот-маълумот алмашиш ва йўналтириш жараёнлари изчил ва тегишли етказилиши таъминланишига ишонч ҳосил қилиш.

Агар психологлар томонидан болаларга нисбатан зўравонлик белгилари аниқланса, маълумотлар муассасалар/ташкилотлар раҳбарларига юборилади. Кейинчалик, раҳбар вояга етмаган болалар тўғрисидаги маълумотларни боланинг яшаш манзилидаги васийлик органларига, туман/шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссияларига, профилактика инспекторларига ва мактаб директорига юборади. Агар лозим бўлса, тиббий хизматлар олиш учун шифохонага йўналтирилади.

# МАВЗУГА ОИД РЕСУРСЛАР/ҲУЖЖАТЛАР


- Закон Республики Узбекистан № 561 от 2 сентября 2019 г. О защите женщин от притеснения и насилия. https://www.lex.uz/docs/4494712
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2002. Всемирный доклад о насилии и здоровье. https://www.who.int/violence_injury_prevention/violence/world_report/ru/
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2003. Руководство ВОЗ по судебно-медицинской помощи жертвам сексуального насилия. https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/85240/978 9241548595-rus.pdf?ua=1
- Всемирная организация здравоохранения (ВОЗ). 2011. Укрепление системы здравоохранения: Глос- сарий. https://www.who.int/healthsystems/Glossary_January2011.pdf
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. 2013. 57-ая сессия. Согласованные выводы: искоренение и предупреждение всех форм насилия в отношении женщин и девочек.
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. 1993. Декларация об искоренении всех форм насилия в отношении женщин. https://www.un.org/ru/ documents/decl_conv/declarations/violence.shtml
- Комитет Конвенции ООН по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Общие рекомендации №19, параграф 6. https://www.un.org/womenwatch/daw/cedaw/recommendations/recomm.htm
- Межведомственный постоянный комитет (МПК). 2005. Руководящие принципы для вмешательства в случае ГН в гуманитарных ситуациях: с упором на профилактику и реагирование на сексуальное насилие в чрезвычайных ситуациях.
- ООН Женщины, ЮНФПА, ПРООН, УНП ООН. 2014. Стратегия для Основных служб правосудия по борьбе с насилием в отношении женщин и девочек. Основные услуги и стандарты качества.
- ООН. Доклад Генерального Секретаря ООН. Углубленное изучение всех форм насилия в отношении женщин. A\61\122\ Add.1
- ООН. 2000. Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, обусловленный Конвен-цией Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступ-ности. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН 55/25/. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/ conventions/protocol1.shtml
- УНП ООН. 2010. Руководство по эффективному реагирования полиции на насилие по отношению к женщинам
- ЮНФПА, WAVE. 2014. Укрепление реагирования систем здравоохранения на гендерное насилие в Восточной Европе и Центральной Азии, Пакет ресурсов. https://eeca.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/WAVE-UNFPA-Report-RU.pdf
- ЮНФПА, Региональное отделение по странам Восточной Европы и Центральной Азии (РО ЮНФПА СВЕЦА) Восточно-Европейский Институт Репродуктивного Здоровья, 2015. Предоставление психосоциальных услуг, часть межведомственного реагирования на ГН. Стандартные операционные проце- дуры. 540493 Tirgu-Mures, Romania. office@eeirh.org Royal College of Obstetricians and Gynaecologists, 27 Sussex Place, Regent's Park London, NW1 4RG, United Kingdom, publications@rcog.org.uk Royal College of Obstetricians and Gynaecologists Bringing to life the best in women's health care Хаки Йетен Кадеси № 10/С Селениум Плац 18, Фулия Бесиктас, Стамбул, Турция, eecaro@unfpa.org Ул. Молдовы 1, 540493 Тыргу-Муреш, Румыния office@eeirh.org
- ЮНФПА. 2001. Практический подход к гендерному насилию: Руководство по составлению программ для поставщиков услуг и руководителей системы здравоохранения
- Interagency Standing Committee (IASC) Sub-Working Group on Gender & Humanitarian Action. 2008. GBV Resource Tool: Establishing GBV Standard Operating Procedures (SOP Guide). https:// interagencystandingcommittee.org
- UNFPA. 2015. Minimum Standards for Prevention and Response to Gender-Based Violence in Emergencies. https://www.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/GBVIE.Minimum.Standards.Publication.FINAL_.ENG_.pdff

## 1-илова. Дастлабки скрининг учун хизмат тақдим этувчи томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини рўйхатга олиш шакли

**Диққат!** *Ушбу шакл идоралараро жавоб қайтаришга алоқадор барча хизмат тақдим этувчилар учун универсал ҳисобланади ва гендер зўравонлик ҳодисалари бўйича маълумотларни тўплаш учун келишилган идоралараро электрон маълумотлар базасига мос келади.*

*Ушбу шакл гендер зўравонлик жабрланувчиси қайси хизмат тақдим этувчига мурожаат қилганлиги ёки қайси хизмат тақдим этувчилардан қайта йўналтирилганлигидан қатъи назар барча хизмат тақдим этувчилар томонидан жавоб қайтаришнинг тегишли босқичлари бўйича тўлдирилади.*

| I БЎЛИМ. РЎЙХАТГА ОЛИШ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАР | | | |
|---|---|---|---|
| **Мурожаат қабул қилинган манзил** | Ташкилот номи | | Ҳудуд коди |
| **Мурожаат тўғрисида маълумот тақдим этган ташкилот/ муассаса** | Ташкилот номи | | СТИР |
| **Гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқланиш усули/ мурожаат шакли** | □ шахсан | □ жабрланувчининг қонуний вакили | |
| | □ учинчи шахсларнинг хабарлари (қўшнилар, ҳамкасблар, дўстлар) | □ маҳалла фуқаролар йиғини вакили | |
| | □ соғлиқни сақлаш муассасаси | □ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари | |
| | □ ҳокимлик | □ ишонч телефони | |
| | □ таълим муассасаси | □ ижтимоий тармоқлар/ мессенжерлар | |
| | □ васийлик ёки ҳомийлик ташкилоти | □ бошқа (номини ёзинг) | |
| **Мурожаатни/хабарни қабул қилиш санаси** | «СС.ОО. ЙИЛ» | | |
| **Нечанчи мурожаати/хабари** (қайта мурожаат қилганда/ҳабар олинганда) | □ биринчи марта | □ иккинчи марта | □ уч ёки ундан ортиқ |
| **Гендер зўравонлик жабрланувчисининг яшаш жойи** | Ҳудуд номи (вилоят, туман) | | Ҳудуд коди |
| | Маҳалла номи, кўчаси, уйи / хонадон рақами | | |
| **Тазйиқ / зўравонлик содир этилган жой** | Ҳудуд номи | | Ҳудуд коди |
| | Маҳалла номи | | |
| | □ оила яшайдиган уйда | □ ишда | |
| | □ жабрланувчининг қариндошлари яшайдиган уйда | □ жамоат жойида | |
| | □ таълим муассасасида | □ кўчада | |
| | □ бошқа жойда | □ бошқа | |
| **Тазйиқ ва зўравонлик содир этилишининг бошланган вақти** (тазйиқ / зўравонлик жабрланувчисининг сўзлари асосида ёзилади) | | | СС.ОО.ЙЙ |
| **Аёл жинсига мансуб шахсга нисбатан нима содир этилган** (мурожаат қилувчининг сўзлари асосида хизмат тақдим этувчи томонидан аниқланади) | | | □ тазйиқ<br>□ зўравонлик |

| **II БЎЛИМ. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЁКИ ТАЗЙИҚДАН ЖАБРЛАНУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** | | |
|---|---|---|
| **Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат** | Паспорт / (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома / ID карта/ яшаш учун рухсатнома / бошқа) (номини ёзинг) «_______» (серия) ___________ (рақам) | |
| **Фамилияси, исми, отасининг исми** | | |
| **Туғилган сана** | СС.ОО.ЙЙ | |
| **Фуқаролиги** | □ Ўзбекистон | □ бошқа (номини кўрсатинг) □ фуқаролиги йўқ шахс |
| **Оилавий ҳолати** | □ турмушга чиқмаган | □ турмушга чиққан |
| | □ ажрашган | □ бева |
| | □ ёлғиз она | □ диний никоҳда |
| | □ фуқаролик никоҳда | □ бошқа |
| | | |
| **Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради** | | □ Ҳа □ Йўқ |
| **Ногиронлиги бор/йўқлиги** | □ йўқ | □ Болаликдан ногирон |
| | □ 1 гуруҳ | □ 2 гуруҳ |
| | □ 3 гуруҳ | □ бошқа |
| **Қарамоғида борлар** (вояга етмаган болалар, қариялар, ногиронлар) | | □ Ҳа □ Йўқ |
| **Қарамоғидагилар сони** (вояга етмаган болаларидан ташқари) | | |
| **Вояга етмаган болалари сони** | | |
| **Жумладан, ногиронлиги бор вояга етмаган болалар** | □ йўқ | □ 1 |
| | □ 2 | □ 3 ва ундан ортиқ |
| **Ҳомиладорлик** | □ йўқ/номаълум | □ ҳа (ҳомиланинг ойи)____ |
| **Маълумоти** | □ мактабгача / оилавий мактабгача тарбия/ таълим | □ бошланғич таълим (1–4 синфлар) |
| | □ тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик) | □ умумий ўрта таълим (11 йиллик) |
| | □ техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум) | □ олий маълумот (бакалавр, магистратура) |
| | □ олий ўқув юртидан кейинги таълим (PhD, фан доктори) | □ бошқа |
| **Бандлиги** | □ асосий иши шахсий хўжаликда | □ уй бекаси |
| | □ иш берувчи/тадбиркор | □ ишламайди, лекин иш қидирмоқда ва ишни бошлашга тайёр |
| | □ ишламайди ҳам иш қидирмайди ҳам | □ соғлиқ туфайли ишламайди |
| | □ деҳқон ёки фермер хўжалигида ишлайди | □ оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи |
| | □ ташкилотда, корхонада ишлайди | □ пенсионер |
| | □ йўқ (вояга етмаган) | □ мактаб ўқувчиси |
| | □ талаба | □ бошқа |
| **Ўртача даромади** | □ даромади йўқ | □ 500 минг сўмгача |
| | □ 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача | □ 1 млн сўмдан ортиқ |
| **Илгари ҳимоя ордери берилганми** | | □ Ҳа □ Йўқ |

| **III БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК СОДИР ЭТГАН ШАХС/ШАХСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ** |
|---|
| **Фамилияси, исми, отасининг исми** (агар маълум бўлса) |
| **Ёши** (агар маълум бўлса) |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Жабрланувчига алоқадорлиги/ қариндошлиги** (агар тазйиқ / зўравонлик эркак томонидан амалга оширилган бўлса) | □ қонуний никоҳдаги эри | □ қайнотаси | □ ҳамкасби |
| | □ диний никоҳдаги эри | □ ўгай отаси | □ ўқитувчиси |
| | □ фуқаролик никоҳда бирга яшовчи | □ ўгай ака/укаси | □ синфдоши |
| | □ собиқ эри | □ бошқа оила аъзоси | □ курсдоши |
| | □ отаси | □ васий / оталиққа олган шахс | □ бошқа эркак |
| | □ ўғли | □ иш берувчи | □ нотаниш эркак |
| **Жабрланувчига алоқадорлиги/ қариндошлиги** (агар тазйиқ / зўравонлик аёл киши томонидан амалга оширилган бўлса) | □ қайнонаси | □ онаси | □ дугонаси/таниши |
| | □ қизи | □ ўгай онаси | □ ҳамкасабаси |
| | □ иш берувчиси | □ бошқа оила аъзоси | □ бошқа аёл |
| | □ ўқитувчиси | □ васий/ ҳомий | □ нотаниш аёл |
| **Жабрланувчига алоқадорли-клари/қариндошлиги** (агар зўравонлик бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган бўлса) | □ эрининг оила аъзо-лари | □ биологик оила аъзо-лари | □ васийликка олган оила аъзолари |
| | □ эркак қариндошлар гуруҳи | □ аёл қариндошлар гуруҳи | □ номаълум |
| | □ эркак ҳамкасблар гуруҳи | □ аёл ҳамкасблари гуруҳи | □ бошқа |

| | | |
|---|---|---|
| **Маълумоти** | □ тўлиқ бўлмаган ўрта таълим (9 йиллик) | □ умумий ўрта таълим (11 йиллик) |
| | □ техник, касб-ҳунар таълими (коллеж, техникум) | □ олий маълумот (бакалавр, маги-стратура) |
| | □ олий ўқув юртидан кейинги таълим (PhD, фан доктори) | □ номаълум |
| **Бандлиги** | □ ташкилотда, корхонада ишлайди | □ асосий иши шахсий хўжаликда |
| | □ иш берувчи/ тадбиркор | □ ишламайди, лекин иш қидирмоқда ва ишни бошлашга тайёр |
| | □ ишламайди ҳам иш қидирмайди ҳам | □ талаба/ўқувчи |
| | □ деҳқон ёки фермер хўжалигида ишлайди | □ оилавий корхонларнинг (меҳнат ҳақи тўланмайдиган) ёрдамчи ишчи |
| | □ пенсионер | □ соғлиқ туфайли ишламайди |
| | □ номаълум | □ бошқа |
| **Ўртача даромади** | □ даромад йўқ | □ 500 минг сўмгача |
| | □ 500 минг сўмдан 1 млн сўмгача | □ 1 млн сўмдан 2 млн сўмгача |
| | □ 2 млн сўмдан ортиқ | □ номаълум |

| | | |
|---|---|---|
| **Профилактик рўйхатда туради** | □ Ҳа | □ Йўқ |
| **Соғлиғи сабабли тиббиёт муассасаларида рўйхатда туради** | □ Ҳа | □ Йўқ |
| **Муқаддам судланган** | □ Ҳа | □ Йўқ |
| **Ногиронлиги бор** | □ Ҳа | □ Йўқ |

| | | |
|---|---|---|
| **Турли моддаларни истеъмол қилади** | □ Йўқ | □ Ҳа |
| | □ спиртли ичимликлар | □ гиёҳванд моддалари |
| | □ транквилизаторлар | □ тамаки |
| | □ бошқа (номини ёзинг) | □ номаълум |

| | | |
|---|---|---|
| **IV БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ҲОДИСАСИНИ БАҲОЛАШ** (ушбу бўлим хизмат тақдим этувчилар томонидан гендер зўравонлик инцидентини/ҳодисасини ишончли идентификация қилиш учун зарур бўлган ваколат ва махсус тайёргарлик асосида тўлдирилади) | | |
| **IV.1.ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИ ЖАБРЛАНУВЧИСИГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛГАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ТУРЛАРИ ВА КЎРИНИШЛАРИ** | | |
| **Жисмоний зўравонлик қандай амалга оширилди** | □ зарар келтириши мумкин бўлган нарсани/предметни отиш | □ шапалоқ / мушт билан уриш |
| | □ итариш, суриш, сочидан тортиш | □ уриш, тишлаш ёки судраш |
| | □ бўғиш / бўғишга уриниш | □ тана қисмлари (қўллар, оёқлар) билан уриш) |
| | □ тўмтоқ, кесувчи, тиғли буюмлар ва қурол билан таҳдид қилиш | □ буюмлар билан уриш (камар, меҳнат қуроллари ва бошқалар) |
| | □ куйдириш | □ уйқудан маҳрум қилиш |
| | □ заҳарли, токсик моддалар бериш | □ электр токи, электр жиҳозларидан фойдаланиш |
| | □ ёнувчан суюқлик, кимёвий моддалар тукиш/сепиш | □ тўмтоқ, кесувчи ва тиғли буюмлар билан уриш, қурол ишлатиш |
| | □ ўқ отар қуроллардан фойдаланиш | □ бошқа |
| **Руҳий зўравонлик қандай амалга оширилди** | □ бошқа одамлар олдида камситиш ёки ғурурига тегиш (лақаб қўйиш, калака қилиш, ҳақорат қилиш, сўкиш, қўрқитиш, қадрсизлантирувчи ҳазиллар) | □ ҳақорат қилиш ва айб, уят, қўрқув каби салбий ҳис-туйғуларни бошдан кечиришга мажбур қилиш |
| | □ жабрланувчининг қадр-қимматини доимий оғзаки равишда камситиш | □ қасддан қўрқитиш ёки таҳдид қилиш |
| | □ ота-она ва қариндошлар билан кўришишни тақиқлаш | □ жабрланувчини ажратиш, унинг оила аъзолари ёки дўстлари билан кўришишни таъқиқлаш |
| | □ яқинларига зарар етказиш билан таҳдид қилиш | □ жабрланувчини эътиборсиз қолдириш, унга нисбатан бефарқ муносабат |
| | □ борган манзилини назорат қилиш | □ болаларга нисбатан тажавузкорлик |
| | □ хиёнат қилганлиги тўғрисида асоссиз айбловларни илгари суриш | □ аёл бошқа эркаклар билан гаплашганда, ғазабланиш ҳолатига тушиш |
| | □ бола / болалардан маҳрум этиш таҳдиди | □ жабрланувчини ижтимоий вазифаларини бажармаётганликда мунтазам айблаш |
| | □ уй ҳайвонлари ва уй-рўзғор буюмларига намойишкорона зарар етказиш | □ ўз жонига қасд қилиш / ўзига зарар етказиш билан қўрқитиш |
| | □ жабрланувчининг шахсий мулоқотларини (мобил телефон, ижтимоий тармоқлар) кузатиш ва назорат қилиш | □ шахсий маълумотларни ижтимоий тармоқларда / мессенжерларда жойлаштириш билан таҳдид |
| | □ хизмат ваколатлари ва ҳокимиятини қўллаш | □ шикоят қилса ишдан бўшатиш билан таҳдид қилиш |
| | □ жабрланувчининг ақлдан озганлигига ишонтириш (ўзининг руҳий саломатлиги ҳақида ташвишланишга мажбур қилади) | □ ўз жонига қасд қилиш ёки ўз-ўзига шикаст етказиш |
| | □ бошқа | □ бошқа |

| | | |
|---|---|---|
| **Жинсий зўравонлик қандай амалга оширилган** | □ жинсий шилқимлик | □ оғзаки таҳқирлаш, таҳдидлар, шаҳвоний мазмундаги шарҳлар |
| | □ мажбурий жинсий алоқа | □ инцест (қондош бўлган оила аъзолари томонидан жинсий алоқага мажбурлаш) |
| | □ тана аъзолари билан исталмаган тегинишлар орқали шаҳватини қондириш | □ эксгибиционизм (жинсий аъзоларни нотаниш одамларга намойиш қилиш) |
| | □ аёл / қиз билан унинг розилигисиз жинсий алоқа қилишга уриниш (зўрлашга уриниш) | □ аёл / қиз билан унинг розилигисиз жинсий алоқа қилиш (зўрлаш) |
| | □ жинсий эҳтиёжларни ғайритабиий йўллар билан қондириш | □ предметлар билан шаҳвоний харакатлар (кичик бўлса ҳам) |
| | □ порнографик материалларни кўришга мажбур қилиш | □ порнографик мақсадларда ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш (фото, видеофильм) |
| | □ вояга етмаганни жинсий тусдаги ҳаракатларни бажаришга мажбурлаш | □ жинсий эксплуатация |
| | □ бошқа одам билан жинсий алоқада бўлишга ундаш | □ шавқатсиз жинсий алоқа актлари |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **Иқтисодий зўравонлик қандай амалга оширилган** | □ мулк ва узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлардан фойдаланишни чеклаш | □ асосий эҳтиёжларни қондириш учун молиявий ресурсларни чеклаш / назорат қилиш |
| | □ таълим олиш имкониятларидан фойдаланишни назорат қилиш | □ мулкдан фойдаланишни тўлиқ назорат қилиш |
| | □ иқтисодий тобеликда/қарамликда ушлаш | □ бандлик / иқтисодий фаолиятни чеклаш |
| | □ маълум бир меҳнат турини тақиқлаш | □ ишлашни тақиқлаш |
| | □ иш жойида таъқиб қилиш | □ касбий ўсишни тақиқлаш |
| | □ зарур эҳтиёжлар учун пул сўрашга мажбур қилиш | □ барча шахсий маблағларни топширишга мажбур қилиш |
| | □ уй хизматкоридек муомала қилгандек муносабат қилиш/билдириш | □ бошқа |

| **IV.2. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ОҚИБАТЛАРИ** (Ушбу бўлим хизмат тақдим этувчилар томонидан махсус тайёргарлик, ваколатга эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда тўлдирилиши керак. Гендер зўравонлик ҳодисасининг махфийлигини таъминлаш зарурати туфайли баъзи бўлимларга махсус кириш ҳуқуқи талаб этилади) | | |
|---|---|---|
| **Психологик зўравонликнинг оқибати** | □ хавотир даражасининг ошиши | □ вақтни назорат қилолмаслик |
| | □ депрессия | □ айбдорлик ва уят ҳисси |
| | □ уйқусизлик | □ ўз жонига қасд қилиш кайфияти |
| | □ лоқайдлик, бефарқлик | □ хотира бузилиши |
| | □ психоэмоционал таъсирчанлик | □ кайфиятнинг ўзгариши (асоссиз кулиш, кўз ёшлари) |
| | □ овқатланиш одатларидаги ўзгаришлар (булимия, анорексия) | □ бошқа |
| **Жисмоний зўравонликнинг оқибатлари** (тиббий мутахассислар томонидан тўлдирилади) | □ кесиш | □ тилиш |
| | □ қонталаш, кўкариш, қизариш | □ қулоқ ёки кўз жароҳати |
| | □ тўқималарнинг шикастланиши, эт узилиши | □ куйиш |
| | □ чуқур жароҳатлар | □ тиш ёки суяк синиши |
| | □ ички органларнинг шикастланиши | □ бош мия жароҳати, бошнинг шикастланиши/жароҳатланиши |
| | □ ҳолсизлик | □ музлаш |
| | □ ҳомила тушиш хавфи | □ ҳомила тушиши |
| | □ юмшоқ тўқималарнинг жароҳати | □ бош оғриғи, қон босимининг ошиши |
| | □ ҳомиланинг бачадон ичида нобуд бўлиши | □ нормал жойлашган плацентанинг муддатидан олдин кўчиши |
| | □ ҳомиладорлик даврининг патологик кечиши (қон кетишлар, преэклампсия, эклампсия ва б.) | □ бошқа |
| **Жинсий зўравонлик оқибатлари** (тиббий мутахассислар томонидан тўлдирилади) | □ жинсий аъзоларининг шикастланиши | □ жинсий йўл билан юқадиган инфекция ва ОИВ билан касалланиш |
| | □ ўз танасидан нафратланиш ҳисси | □ ўз-ўзига ёқмаслик ҳисси |
| | □ ўзини айблаш, умидсизлик ҳисси | □ ўз жонига қасд қилиш фикри / кайфияти |
| | □ алоқадан, мулоқотдан қочиш, бегоналашиш | □ ҳушидан кетиш |
| | □ хавотирнинг кўтарилиши | □ руминация |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **Иқтисодий зўравонлик оқибатлари** | □ пала-партиш ташқи кўриниши, мавсумий кийинмаганлик | □ организмнинг ҳолсизлиги |
| | □ депрессия | □ агрессивлик |
| | □ хавотир ҳиссининг ошиши | □ ночорлик, қашшоқлик |
| | □ организм иммунитетининг пасайиши, камқонлик ва тез-тез шамоллашлар | □ асосий тиббий хизматдан маҳрум қилиш, оилавий поликлиника/оилавий шифокорлик пунктида тиббий кўриклардан ўтишга тўсқинлик қилиш |
| | □ боланинг эҳтиёжларини қондира олмаслик | □ шамоллаш |
| | □ тиланчилик | □ бошқа |

| **V БЎЛИМ. ТАЗЙИҚ/ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТЛАРИНИ БОШҚАРИШ** | | |
|---|---|---|
| V.1. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК ЖАБРЛАНУВЧИСИНИНГ МУҲИМ ҲАЁТИЙ ФУНКЦИЯЛАРИГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИГАН ИНҚИРОЗЛИ ВАЗИЯТЛАРДА БИРЛАМЧИ ЁРДАМ | | |
| **Тақдим этилган инқироз хизматлари** | □ шошилинч мурожаатга жавоб бериш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тиббиёт муассасалари) | □ асосий ҳаётий эҳтиёжларни қондириш (очлик, ташналик, уйқу) |
| | □ хавфсизлик режаси | □ ҳимоя ордери учун мурожаат |
| | □ вақтинчалик бошпана | □ бошқа |
| V.2. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖМУАВИЙ ЁРДАМ/ХИЗМАТЛАР | | |
| **Психологик хизматлар** | □ ишонч телефони орқали маслаҳат | □ психотерапия машғулотлар |
| | □ инқирозли ҳолатига barҳам беришга йўналтирилган психологик маслаҳат | □ психологик тренинг, қўллаб-қувватлаш гуруҳи |
| | □ хизмат тақдим этувчилар ҳақида маълумот | □ бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш |
| **Ҳуқуқий хизматлар** | □ гендер зўравонлик ҳодисалар бўйича тергов ўтказиш ва далилларни тўплаш | □ жабрланувчига ҳуқуқий маслаҳат бериш |
| | □ суд органларига мурожаат қилиш учун ариза ёзишда ёрдам бериш | □ ҳимоя ордерини бериш |
| | □ жабрланувчини қайта жабрланишидан ҳимоя қилиш ва жабрловчи ҳимоя ордеридаги талабларга амал қилишини назорат қилиш | □ ҳужжатларни тиклаш (паспортлар, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ва бошқалар) |
| | □ судда жабрланувчини ҳимоя қилиш | □ суд жараёнида гувоҳлик бериш |
| | □ идоралараро ҳамкорлик асосида жабрланувчини бошқа хизмат кўрсатувчига йўналтириш | □ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа хизмат тақдим этувчилар тўғрисидаги маълумотлар бериш |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **Тиббий хизматлар** | □ жароҳатни даволаш ва шошилинч тиббий ёрдам | □ суд-тиббиёт намуналарини йиғиш ва ҳужжатлаштириш |
| | □ шифокор ёки мутахассис билан маслаҳатлашув | □ тор ихтисослашган тиббиёт мутахассисларига йўналтириш |
| | □ руҳий саломатликни баҳолаш | □ шошилинч контрацепция |
| | □ ОИВ, жинсий йўл билан юқадиган бошқа инфекциядан кейинги профилактика | □ руҳий саломатликни даволаш |
| | □ ёзма далилларни тақдим этиш ва судга ташриф | □ идоралараро жавоб учун йўналтириш |
| **Ижтимоий хизматлар** | □ давлат томонидан кафолатланган ижтимоий ёрдам тўғрисида маълумот бериш | □ моддий ва молиявий ёрдам (шу жумладан имтиёзлар, бир марталик ёрдам) |
| | □ уй шароитларини яхшилашга ёрдам бериш | □ иш билан таъминлашда / иш топишда ёрдам бериш |
| | □ оилавий низоларни ҳал қилишда медиация хизматлари | □ гендер зўравонлик жабрланувчиларининг фарзандлари учун таълим олиш / давом эттириш учун шароитларни ташкил этишда ёрдам бериш |
| | □ бошпаналарда вақтинча қолиш хизматлари (инқироз ҳолатларидан ташқари) | □ касб-ҳунар эгаллашда ёки қайта тайёрлашда ёрдам бериш |
| | □ ҳужжатларни тиклаш хизматлари | □ васийлик / ҳомийликни тиклаш бўйича хизматлар |
| | □ бошқа хизмат тақдим этувчилар билан алоқа ўрнатишда ёрдам бериш | □ бошқа |

| | | |
|---|---|---|
| V.3.ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ИДОРАЛАРАРО ЖАВОБ ҚАЙТАРИШ ДОИРАСИДА БОШҚА ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТУВЧИЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ (ҚАЙТА ЙЎНАЛТИРИШ) (жабрланувчи дастлаб мурожаат қилган ташкилот ва кейинги йўналтирилган муассаса томонидан тўлдирилади) | | |
| **Гендер зўравонлик жабрланувчиси қаерга йўналтирилди** | □ тиббиёт муассасалари | □ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари |
| | □ инқироз/реабилитация марказлари | □ шелтер / вақтинчалик бошпана |
| | □ фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судларга | □ маҳалла фуқаролар йиғини |
| | □ адвокатуралар | □ бандлик марказлари |
| | □ хокимлик | □ психологик марказлар |
| | □ маҳалла ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бўлимлари | □ аёллар ташкилотлари |
| | □ ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар | □ аёллар кенгаши |
| | □ бошқа | □ бошқа |
| **VI БЎЛИМ. ХИЗМАТ ТАҚДИМ ЭТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР НАТИЖАЛАРИ** (ёрдам ёки хизмат тугагандан сўнг гендер зўравонликка жавоб қайтаришга алоқадор барча хизмат тақдим этувчилар томонидан тўлдирилади) | | |
| **Гендер зўравонликка жавобан эришилган натижалар** | □ оилавий низоларни ҳал қилишда ёрдам бериш | □ тузатиш дастури ва медиация натижасида оилавий муҳитни яхшилаш |
| | □ бепул профилактик тиббий кўрик | □ асосий тиббий хизматлардан фойдаланишни таъминлаш (клиник текширув, сурункали касалликларни даволаш) |
| | □ сурункали касалликларни даволаш | □ тиббий кўрик/диспансер хизмати |
| | □ болаларнинг мажбурий таълим олиш имкониятини таъминлаш | □ болаларни эмлаш |
| | □ касб-ҳунар таълими | □ ишга жойлашиш / кичик бизнесни очишда ёрдам бериш |
| | □ ҳужжатларни тиклаш | □ оилани тиклаш, оилага реинтеграция қилиш |
| | □ вақтинча / доимий уй-жой билан таъминлаш | □ мулкий низолар ҳал қилиш |
| | □ психологик реабилитация дастуридан ўтиш | □ ўз жонига қасд қилиш хатти-ҳаракатларининг олдини олиш |
| | □ бошқа | □ бошқа |

## 2-илова. Гендер зўравонлик мавжудлигини баҳолаш мезонлари

| № | Гендер зўравонлик мавжудлигини баҳолаш мезонлари рўйхати | Гендер зўравонлик мавжудлигининг кўрсаткичлари |
|---|---|---|
| **1.** | **Жисмоний зўравонлик** | |
| 1.1. | Жисмоний оғриқни келтириб чиқарадиган калтаклаш ёки бошқа зўравонлик ҳаракатлари. | |
| 1.2. | Ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар, ҳақоратли тазйиқ, таҳқирлаш, уй-рўзғор буюмларига зарар етказиш ва ҳуқуқбузар билан оилавий муносабатда бўлган шахсларга нисбатан, уларнинг шахсий хотиржамлигини бузадиган, шахсий турар жой биноси ёки квартирасида содир этилган фуқароларга ҳурматсизликни билдирувчи бошқа хатти-ҳаракатлар | |
| 1.3. | Доимий калтаклаш ёки бошқа зўравонлик хатти-ҳаракатлари туфайли жисмоний ёки руҳий азоб бериш | |
| 1.4. | Инсон ҳаёти учун унча хавфли бўлмаган ва соғлиғига ўртача зарар етказадиган, оқибатларга олиб келмайдиган, аммо узоқ муддатли соғлиққа зарар етказадиган қасддан қилинган хатти-ҳаракат | |
| 1.5. | Инсон ҳаёти учун хавфли бўлган, соғлиққа зарар етказадиган ва кўриш, нутқ, эшитиш ёки бирон-бир аъзонинг қобилияти йўқолишига, ёки бирон-бир орган томонидан унинг функцияларининг йўқолишига олиб келадиган ёки инсоннинг номутаносиб носоғломлигида ифодаланган танага қасддан оғир шикаст етказиш | |
| 1.6. | Инсон ҳаёти учун хавф ёки жиддий хавф туғдирадиган ёки соғлиғининг бузилишига олиб келадиган, ёки ҳомиладорлик, руҳий касалликлар, гиёҳвандлик ва токсикоз касаллигига олиб келадиган баданга қасддан оғир тан жароҳати етказиш | |
| **2.** | **Психологик зўравонлик** | |
| 2.1. | Қўполлик қилиш, калтаклаш, ҳақоратлаш, таҳдид қилиш, шантаж, таъқиб қилиш ва инсоннинг салбий ҳиссий реакциясини ва юрак хуружини келтириб чиқарадиган бошқа ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) | |
| 2.2. | Шахсни ўз жонига қасд қилишгача олиб бориш ёки жонига қасд қилиш билан таҳдид қилиш, шафқатсиз муносабатда бўлиш ёки жабрланувчининг инсоний қадр-қимматини мунтазам равишда камситиш | |
| 2.3. | Одам ўлдириш ёки оғир тан жароҳати етказиш таҳдиди, шунингдек инсонга нисбатан бошқа оғир турдаги зўравонлик | |
| 2.4. | Ёқиб юбориш, портлатиш ёки бошқа хавфли усул билан мулкни йўқ қилиш, агар ушбу таҳдиднинг амалга оширилишидан қўрқиш учун етарли сабаб бўлса | |
| **3** | **Иқтисодий зўравонлик** | |
| 3.1. | Инсоннинг мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишдан маҳрум қилиш | |
| 3.2. | Инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган пул маблағларидан маҳрум қилиш | |
| 3.3. | Шахсни турар жойидан маҳрум қилиш | |
| 3.4. | Инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан маҳрум қилиш | |
| 3.5. | Инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган кийим-кечакларидан маҳрум қилиш | |
| **4.** | **Жинсий зўравонлик** | |
| 4.1. | Зўрлаш, яъни жабрланувчига ёки бошқа шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки уни ишлатиш таҳдиди билан ёки жабрланувчининг ночор ҳолатидан фойдаланган ҳолда жинсий алоқада бўлиш | |
| 4.2. | Ўн тўрт ёшга тўлмаганга нисбатан зўравонлик ишлатмасдан бузуқ хатти-ҳаракатлар содир қилиш | |
| 4.3. | Бирон шахсни жинсий алоқада бўлишга (масалан, ўз жинсидаги шахс билан), ёки бошқа жинсий характердаги хатти-ҳаракатларни қилишга мажбурлаш | |

________________________________________ *сифатида* тан олинган.
*(баҳоланувчининг фамилияси, исми) гендер зўравонлик жабрланувчиси)*

*Баҳоловчи:*________________________________________
*(фамилияси, исми)*

________________________________________ *сифатида* тан олинмаган.
*(баҳоланувчининг фамилияси, исми) гендер зўравонлик жабрланувчиси)*

*Баҳоловчи:*________________________________________
*(имзо) (Фамилияси, исми)*

## 3-илова. Гендер асосидаги зўравонлик ҳолатида хавфни баҳолаш юзасидан саволлар

***Эслатма: Саволларни жабрланувчи аёлга ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим этганидан ва зўравонлик шакли аниқланганидан кейин бериш тавсия этилади.***

**Жабрланувчига савол:** Сиз зўравонликнинг қандай шакллари ва турларига дуч келдингиз?

| № | Ҳа | Йўқ | Билмайман | Саволлар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | У тажовузкор бўлганми ёки хавфли? |
| 2. | | | | У сизга тиббий ёрдамга мурожаат қилишингизга мажбур этган жиддий тан жароҳати етказдими? |
| 3. | | | | У сизни қачондир бўғганми? |
| 4. | | | | Сиз жинсий зўравонликка учраганмисиз? |
| 5. | | | | У қурол ишлатганми, ёки қурол ишлатиш билан таҳдид қилганми? Агар шундай ҳолат бўлган бўлса, қачон? |
| 6. | | | | У сизнинг қаерда эканлигингизни текшириб кўриш учун таъқиб қилганми, сизда патологик рашкни синаб кўрганми? |
| 7. | | | | У сизга нисбатан зўравонлик ҳолатларини кўпайтирганми? |
| 8. | | | | У ўз жонига қасд қилиш билан таҳдид қилганми? У томонидан ўз жонига қасд қилишга уриниш бўлганми? |
| 9. | | | | Сиз ҳомиладорлик даврингизда зўравонликка учраганмисиз? |
| 10. | | | | Охирги бир йил ичида сиз уни тарк этиб кетдингизми ёки ундан кетишга ҳаракат қилдингизми? |
| 11. | | | | Сиз ундан қочиб ИИБга, бошпанага, реабилитация марказига борганмисиз? |
| 12. | | | | Сиз ўзингизни ёрдамчи манбалар (автомобиль, телефон, оила, дўстлар, яқинлар ва ҳоказо)дан холи деб ҳис қиласизми? |
| 13. | | | | Охирги бир йил ичида у стресс ҳолатини (ишини йўқотиш, яқин кишисини йўқотиш, молиявий қийинчиликка тушиб қолиш) бошидан ўтказганми? |
| 14. | | | | У спиртли ичимликлар истеъмол қиладими? |
| 15. | | | | У алкогол/гиёҳванд моддаларга қарамликдан даволанганми? |
| 16. | | | | У қурол ишлатиш ҳуқуқига эгами? |
| 17. | | | | Нима деб ўйлайсиз, у сизга жиддий зарар/ жароҳат етказиши мумкинми? |
| 18. | | | | Сиз қачондир уни жавобгарликдан ҳимоя қилишга (ИИБдан аризангизни қайтариб олиш, уни кафилликка олиш ва бошқалар) уринганмисиз? |
| 19. | | | | У фарзандларингизга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганми? |
| 20. | | | | У онасига нисбатан жисмоний зўравонлик ҳодисасига гувоҳ бўлганми? |
| 21. | | | | У содир этган зўравонлигидан кейин афсусланадими/тавба қиладими? |
| 22. | | | | У зўравонлик ҳолати билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги жиноят содир этганми? |
| 23. | | | | У оила аъзоси бўлмаган бошқа шахсларга нисбатан ҳам зўравонлик содир этганми? |
| 24. | | | | У гиёҳванд моддалар истеъмол қиладими? |
| 25. | | | | У қачондир уй ҳайвонларини жароҳатлаганми/яралаганми/ўлдирганми? |

*№ 3, 6, 7, 11, 13, 21, 24, 25 рақамлари остидаги хатти-ҳаракатлар мавжуд бўлса, бу инсон ҳаёти учун юқори даражадаги хавфнинг мавжудлигини кўрсатади.*

# 4-илова. Психологик ҳолатни баҳолаш

*Ушбу баҳолаш қўшимча равишда гендер зўравонлик жабрланувчисининг вазиятини идоралараро жавоб чоралари бўйича умумий баҳолашга киритилади (кейс-менежмент).*

| **Ташкилот/муассаса** | **Кейс рақами** |
|---|---|
| | |
| **ГЗ жабрланувчиси билан ишловчи психолог ФИО** | |
| | |
| **Чуқур баҳолашни бошлаш ва тугаллаш сана-лари (кун/ой/йил)** | **Марказга келиб тушиш санаси (кун/ой/йил)** |

| **Манзил (имкон даражасида почта индекси билан):** | **Телефон:** |
|---|---|
| | |

**ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР:**

(Агар маълумот ўз вақтида олинмаган бўлса, ушбу жадвални тўлдиринг. Дастлабки баҳолаш)

| **Исми** | **Фамилияси** | **Туғилган йили** | **Фуқаролиги** |
|---|---|---|---|
| | | | |

1.1. Психологик вазият ва хулқ-атвор тавсифи (психолог хулосаси)

| **ПСИХОЛОГИК ВАЗИЯТ** | | | |
|---|---|---|---|
| Нотинчлик ва хавотир ортиб боришининг намоён бўлиши[4] | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |
| Ўзига нисбатан тажовузкорлик (шу жумладан, ўз жонига қасд қилишга уриниш)нинг намоён бўлиши | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |
| Бошқаларга нисбатан тажовузкорликнинг намоён бўлиши | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |
| Депрессия ва босимни бошидан кечираётгани[5] | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |
| Атрофидагилар томонидан босим ва камситилиш-ларни бошдан кечираётгани | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |
| Оиладаги зўравонликни бошидан ўтказган | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |
| Жинсий зўравонликни бошидан ўтказган | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |
| Бошқа | ☐ ҳа | ☐ йўқ | ☐ маълумот йўқ |

| ПСИХОЛОГИК ВАЗИЯТ ВА ХУЛҚ-АТВОР БАҲОСИ | | | |
|---|---|---|---|
| 1. Яхши ёки аъло | 2. Қониқарли | 3. Қониқарсиз | 4. Ўта қониқарсиз |

4 Диагностика учун “Хавотирланиш шкаласи” тестидан фойдаланиш мумкин.
5 Диагностика учун “Депрессия даражаси” тестидан фойдаланиш мумкин.

## 5-илова. Шахсий хавфсизлик режаси

Жинсий (интим) шериклари ёки бошқа оила аъзолари томонидан зўравонликка учраган хотин-қизлар учун шахсий хавфсизлик режаси (шаблон)

**Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсий хавфсизлик режаси**

*(зўравонлик содир этилган ёки такрорий зўравонлик хавфи мавжуд бўлган жойга/муҳитга қайтиш зарурати туғилганида гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда ишлаб чиқилади)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Жабрла-нувчи** | ______________ | **Хизматларни тақдим этувчи (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи/тиббий/ижтимоий/психологик) фамилияси, исми, лавозими** | ________________ |
| **Сана** | ______________ | **Қайта баҳолаш (саналар)** | ________________ |

1. Агар менинг шахсий хавфсизлигим ёки менинг фарзандларим хавфсизлигига таҳдид туғилса, мен ________________га ёки________________га мурожаат қилишим мумкин (жабрланувчи зўравонлик такрорланишини кутмаган тақдирда ҳам ўз қарорини кўрсатиши керак).
2. Қариндошларим, яқинларим ёки дўстларимдан кимга ишонишим мумкин ва фавқулодда вазият ҳолати юзага келганида фарзандларим билан кимникида бир неча кун хотиржам яшашим мумкин?
3. Зўравонлик ёки таҳдидли вазиятда мен: ______________ дан (масалан, қайси эшиклар, дераза, лифт, зинапоялар ёки аварияда чиқиш жойлари) хавфсиз чиқиш учун фойдаланишим мумкин.
4. Агар менга нисбатан тазйиқ ёки зўравонлик муқаррар бўлса, мен буни осон тарк этиш имкони бўлган хонада ёки бинода қарши олишга ҳаракат қиламан. Мен қурол ишлатилишига қулай бўлиши мумкин бўлган жойдан қочишга ҳаракат қиламан.
5. Мен ўзимга нисбатан зўравонлик содир этилиши мумкинлиги тўғрисида қуйидаги шахсларни огоҳлантириб қўйишим ва хонадонимда шубҳали шовқин-сурон эшитилса ИИБга хабар беришларини сўрашим мумкин: ________________________________.
6. Мен фарзандларим ёки дўстларимдан қийин вазиятга тушиб қолганимда менга ёрдам сўрашлари учун махфий ишора сифатида (масалан, белги, сўз) __________ дан фойдаланишим мумкин.
7. Агар зўравонликни содир этган шахс бошқа мен билан яшамаётган бўлса, мен уйимда ўз хавфсизлигимни таъминлаш чораларини кўришим мумкин (қулф-калит, сигнализация ва бошқалар). ____________________ ________________________.
8. Мен хавфсизлик сумкасини сақлашим мумкин (уйда/дўстимнинг уйида): ______________
9. Хавф туғилганда уйдан тезда чиқиб кетишим учун менга қуйидагилар керак бўлади (хавфсизлик сумкасининг таркиби):

- ☐ пул / нақд пул;
- ☐ уй ва автомобилнинг қўшимча калитлари;
- ☐ қўшимча кийим-кечаклар;
- ☐ шахсий гигиена воситалари;
- ☐ мобиль телефон, муҳим телефон рақамлари, телефон карталари;
- ☐ тиббий маълумотномалар;
- ☐ керакли ҳужжатлар (паспорт/шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат, тиббий карта ва маълумотномалар, фарзандларнинг ҳужжатлари ва бошқалар);
- ☐ болаларимнинг севимли ўйинчоқлари;
- ☐ бошқалар____________________________________

Хизмат тақдим этувчи менга қуйидагиларни маълум қилди:

- Мен зўравонликни содир этган шахснинг тажовузкор хатти-ҳаракатига жавобгар эмасман, лекин ўзим ва болаларимнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўра оламан.
- Мен бундан яхшироғига муносибман: мен ва менинг фарзандларим осойишта ва хавфсиз ҳаёт кечиришга ҳақлимиз.
- Зўравонлик жиноят ҳисобланади, мен бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишим мумкин.
- Вақтинчалик ҳимоя ордерларини олиш тартиби мавжуд, мен уни қандай олишни биламан.
- Мен ёрдам олишим мумкин бўлган жойлар бор: ______________________________

Хизмат тақдим этувчи менга қуйидаги ёрдам кўрсатувчи муассасалар билан муаммони ҳал этиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришни давом эттириш таклифини берди, мен рози бўлдим: __________________ ____________________________.

***Гендер зўравонлик жабрланувчиси учун хавфсизлик режасини тузишда кўриб чиқилиши мумкин бўлган саволлар ёки суҳбат мавзулари:***

1) Илтимос, сиз тушган вазият ҳақида менга гапириб беринг. Зўравонликнинг қайси кўринишларига дуч келганингизни билмоқчиман. Зўравонлик, одатда, қачон содир бўлади ва қандай шароитларда?
2) Зўравонлик қачон юз бериши мумкинлиги ҳақида тахминингиз борми? Қандайдир бирор изчилликка асосланадими?
3) Энг ёмон ҳолат қандай содир бўлган эди? Сиз қачон энг оғир жисмоний жароҳатларни олгансиз?
4) Қайси ҳолат сизга энг қийин бўлиб туюлади? Ҳозир айтиб ўтганингизми?
5) Жуфтингиз илгари зўравонлик содир этганлигини ҳисобга олиб, хавф даражасини баҳолашга ҳаракат қилайлик.

Агар аёл ёки унинг фарзандлари жиддий хавф остида деб ҳисобласангиз, унга бу хавф ҳақида айтинг. Ушбу маълумот уни жуда қўрқитиб юбориши мумкинлигига тайёр бўлинг. У психологик ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳақиқат билан келишиш учун аёл мавжуд хавфни камайтиришга ҳаракат қилиши мумкин, шунинг учун у ўзини қўрқитадиган ҳақиқатни енгишга ҳаракат қилади.

Мавжуд хавф-хатарни тўғри баҳолаб аёлга хавфни бундай камайтиришга рози бўлмаслигини ва аёл ўзи учун бор нарсани тўғри қабул қилиши кераклигини тушуниб етишга кўмаклашиш жуда муҳим:

1) Қачон сиз кўпроқ хавф остида қоласиз?
2) Қачон сиз энг катта қўрқувни ҳис қиласиз? Бу ҳолат, аслида сиз энг кўп хавф остида бўлган ҳолатга тўғри келадими? (Агар йўқ бўлса, сиз мижозингиз ўзининг таҳдидидан кўра кўпроқ ўз қўрқуви нуқтаи назаридан унинг хавфсизлигини баҳолашга мойиллигини аниқлай оласиз.)
3) Сиз ва фарзандларингиз учун мумкин бўлган энг ёмон воқеалар кетма-кетлиги қандай?
4) Ўзингиз ва фарзандларингиз ҳақида энг ёмон қўрқувингиз қандай?
5) Сиз ўзингиз ва фарзандларингизни ҳимоя қилиш учун нима қиляпсиз? (Бу аёлга хавфсизлигини сақлаш учун қанча ҳаракатларни амалга ошираётганини кўришга ёрдам бериш учун яхши имконият).
6) Ўзингиз ва фарзандларингизни ҳимоя қилиш учун нима қиляпсиз ва нима қилмайсиз?
7) Келинг, кучли томонларингиз — ички салоҳиятингиз ҳақида гаплашамиз (масалан аёлнинг ўзини қадрлаши, ўзига ишониши, ички ҳисларга ишониш қобилиятига эгалиги кабилар орқали уларни қандай қилиб кучайтириш мумкинлиги);
8) Ташқи ресурслар — сизни қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган дўстларингиз ва оила аъзоларингиз ҳақида, молиявий аҳволингиз ва пулни бошқариш имкониятлари, уй-жойингизни ўзгартириш ва бошқалар ҳақида нима дея оласиз? Вазиятни қандай яхшилаш ва ушбу ресурсларни кенгайтириш мумкин?
9) Қандай имкониятларингиз борлигини кўриб чиқамиз (унга имкон қадар кенг имкониятларни ишлаб чиқишга ёрдам беринг).
10) Аслида нима қила оламан деб ўйлайсиз? Бунга диққатни жамланг.

***Бу рўйхат фақатгина қандай масалалар муҳокама қилиниши фойдали бўлиши учун йўналиш беради холос.***

Сиз ушбу мавзуларнинг барчасини ёки баъзиларини қайта кўриб чиқишингиз ёки бошқа саволларни қўшишингиз мумкин. Жавоблар вазиятни ўрганиш жараёнига мос равишда тўпланади. Бироқ тафсилотларга ўта чуқур ёндашмасликка, фақат маълум бир аёл билан муайян ҳолатда энг фойдали бўладиган нарсаларга эътиборингизни қаратишга ҳаракат қилинг.

Оиладаги зўравонлик жабрланувчиларига сифатли ёрдам кўрсатиш учун психологик хизматнинг бир ёки иккита йўналиши етарли эмас. ГАЗ муаммоси мураккаб ва уни махсус хизмат кўмаги билан ҳал қилиш керак. Битта ташкилотнинг саъй-ҳаракатлари билан битта оила, ҳатто битта ҳодиса даражасида ҳам ўзгаришларга эришиш деярли мумкин эмас.

Идоралараро ўзаро таъсир жабрланувчининг реабилитация йўлини осонлаштиради, ишонч пайдо бўлишига ҳисса қўшади, керакли натижаларни беради.

## 6-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчиларини бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш мумкин бўлган ташкилот ва муассасалар каталоги/маълумотлар базаси

| № | Хизмат турлари* | Ташкилот/ муассасанинг мулкчилик шакли *(давлат/ нодавлат)* | Ташкилот номи | Ташкилот томонидан кўрсатиладиган ёрдам турлари | Боғланиш учун манзил/телефон/ масъул шахс |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ижтимоий ёрдам | | | | |
| 1.1. | | | | | |
| 1.2. | | | | | |
| 2. | Ҳуқуқий ёрдам | | | | |
| 2.1. | | | | | |
| 2.2. | | | | | |
| 3. | Тиббий ёрдам | | | | |
| 3.1. | | | | | |
| 3.2. | | | | | |
| 4. | Гуманитар/молиявий ёрдам | | | | |
| 4.1. | | | | | |
| 4.2. | | | | | |
| 5. | Бандлик/иқтисодий имкониятларнинг кенгайиши | | | | |
| 5.1. | | | | | |
| 5.2. | | | | | |
| 6. | Психологик ёрдам | | | | |
| 6.1. | | | | | |
| 6.2. | | | | | |

**ҳар бир кичик бўлимда алоҳида хизматлар турларини кўрсатиш мумкин. Мисол: “Ижтимоий ёрдам” бўлимида алоҳида “хавфсиз вақтинчалик бошпана”, “жабрланувчи болаларининг таълими” ва бошқа.*

## 7-илова. Психологнинг индивидуал маслаҳатини рўйхатга олиш шакли

| | |
|---|---|
| **Гендер зўравонлик жабрланувчисининг ФИО:** | |
| **Психологнинг ФИО:** | |
| **Хизматлар тақдим этувчи ташкилот/муассаса** | |
| **Машғулот тури:** | ☐ Маълумот тақдим қилиш ☐ Маслаҳат бериш<br>☐ Психодиагностика ☐ Терапевтик сессия<br>☐ Бошқа (аниқлик киритинг) |
| | ☐ Режада назарда тутилган ☐ Режалаштирилмаган ☐ Бошқа (аниқлик киритинг) |
| **Машғулот ўтказиш вақти ва санаси** | |

| | |
|---|---|
| **Маслаҳат мавзуси / Индивидуал машғулот ўтказишнинг сабаби** | |
| | |
| **Машғулот тавсифи; фойдаланилган интервенция ва методлар** | |
| | |
| | |
| **Машғулот натижалари/ аёл/қиз билан келишилган ва таклиф этилган ҳаракат/ стратегия. Кейинги машғулот учун таклиф этилган “уй вазифаси”** | |
| | |
| | |
| | |
| | |
| **Шарҳлар (шу жумладан, ГЗ жабрланувчиларининг машғулот ҳақидаги фикрлари)** | |
| | |
| | |
| | |
| **Кейинги индивидуал машғулотни ўтказишнинг келишилган вақти ва санаси:** | (агар бу керак бўлмаса, сабабини изоҳланг): |

Психолог: ___________________________________

(имзо)

## 8-илова. Гендер зўравонлик жабрланувчилари билан қисқа муддатли психотерапия ўтказиш учун суҳбат схемаси

1) Жабрланувчига ўзингизни таништиринг ва улар учун гендер зўравонликдан жабрланганларга ёрдам бериш хизмати билан қандай боғлиқлигингизни тушунтиринг.
2) Вазифангиз ва мақсадларингизни тушунтиринг. Гендер зўравонлик жабрланувчисига қандай ёрдам беришингизни тушунтиринг.
3) Бўлиб ўтган ҳодисанинг жиддийлигини тушунишингизни айтинг.
4) Гендер зўравонлик жабрланувчисини нима бўлганлиги ҳақида сиз билан гаплашишга ундаңг.
5) Сабрли бўлинг, саволларингизга жавоб бериш учун унга вақт беринг.
6) Гендер зўравонлик жабрланувчисига зўравонлик тўғрисида ўз ҳис-туйғуларини билдиришда ёрдам беринг.
7) Гендер зўравонлик жабрланувчиларининг кўпчилигида ўхшаш ҳис-туйғулар ва реакциялар пайдо бўлишини тушунтиринг.
8) Аёлнинг гендер зўравонликнинг жароҳат етказувчи таъсири ҳақида фикрларини билиб олинг. У зўравонликка учрашдан олдин ва унинг пайтида қилган хатти-ҳаракатлари ҳақида қандай фикрда эканлигини билиб олинг. Жабрланувчиларнинг аксарияти содир бўлган воқеалар учун жавобгарлиги тўғрисида нотўғри тушунчага эга эканлигини тушунтиринг: аслида тирик қолган одамни жабрланувчи сифатида айблаш мумкин эмас.
9) Айтилганларни умумлаштириш ва муаммони ҳал қилиш босқичига ўтинг.
10) Жабрланувчига индивидуал тажрибаларни аниқлашда ва устувор йўналишда ёрдам беринг, яъни уни кўпроқ ташвишга солаётган нарсани ва биринчи навбатда нима қилиш кераклигини таъкидланг.
11) Биргаликда, зўравонлик туфайли юзага келган энг катта муаммоларни ҳал қилиш учун ҳаракатлар режасини тузинг. Муҳокама мавзуларининг ҳар бири учун муқобил ечимларни таклиф қилинг. Аёлнинг вазиятни ва ўзининг ҳаётини тиклай олишини ҳис қилишини кучайтиринг, айнан у қарор қабул қилишини ва уларни ўзи хоҳлаганича амалга оширишини таъкидланг.
12) Жабрланувчининг зўравонлик оқибатларини енгиш қобилиятини баҳоланг. Унинг оиласи ёки дўстларидан қайси бири уни қўллаб-қувватлаши мумкинлигини билиб олинг.
13) Зўравонлик жабрланувчисини жароҳатларга қарши бериладиган жавобларга тайёрланг.

Муҳаррир: У. Раджабова
Дизайн ва компьютерда тайёрловчи: А. Холматов

Босишга рухсат этилди 16.04.2021 й. Бичими 60x90 1/8.
«Myriad Pro» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма табоғи 6,0.
Адади 2 500 нусха.

Нашриёт уйи «BAKTRIA PRESS»
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
Тел.: +998 (71) 233-23-84
e-mail: baktriapress@gmail.com

MEGA BASIM босмахонасида чоп этилди
Baha Is Merkezi, Haramidere, Istanbul, Turkey.
www.mega.com.tr

ISBN 978-9943-7109-9-3

ISBN: 978-9943-7109-9-3